Haqsevar ona yurt, mangu böl obod!

# TOŞKENT HAQIQATI

viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi


2026-yil
31-oktyabr
ŞANBA
№ 88-89
(13949-50)

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

@haqiqatonline_24 | Haqiqat online | haqiqatonline_

# ИМКОНИЯТЛАР, МУАММОЛАР ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР

▼ Кун тартиби





**Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев раислигида Бекобод шаҳрида танқидий-таҳлилий йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят ва шаҳар ташкилотлари раҳбарлари, фаоллар, маҳалла еттилиги вакиллари иштирок этиб, 2026 йилнинг ўтган тўққиз ойи давомида амалга оширилган ишлар, йил якунига қадар бажарилиши лозим бўлган вазифалар ҳамда 2027 йил учун устувор йўналишларни муҳокама қилдилар.**

4

# КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

**Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзаев “Niche” компанияси томонидан жалб этилган экспертлар гуруҳи билан учрашди.**

▼ Туризм

Учрашувда Анталиянинг “Falez” туризм лицейи раҳбари маслаҳатчиси Режеп Гедук, Истамбулдаги Ҳалич университети профессори Юсуф Йилдирим ва “Niche” компанияси вакиллари иштирок этишди.

Мулоқот давомида вилоятнинг туризм салоҳиятини янада ошириш, меҳмонхона ва бошқа туристик объектлар учун малакали кадрлар тайёрлаш ҳамда хизматлар сифатини яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

Хусусан, Бўстонлиқ туризм ва маданий мерос техникуми ҳузурида халқаро туризм касбий тайёргарлик марказини ташкил этиш таклифи кўриб чиқилди.

Шунингдек, тумандаги Халқаро меҳмонхона ва туризм мактабини реконструкция қилиш, замонавий таълим дастурларини жорий этиш ҳамда соҳа ходимларининг малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик истиқболлари юзасидан фикр алмашилди.

Лойиҳа доирасида меҳмонхона хизматларининг турли йўналишлари, жумладан, қабул қилиш ва бронлаш, хоналарни сақлаш, ошпазлик, ресторан хизмати каби касблар бўйича мутахассислар тайёрлаш кўзда тутилган. Ўқув жараёнида назарий билимлар билан бир қаторда меҳмонхоналар, ресторанлар ва дам олиш мажмуаларида амалий машғулотларни ташкил этиш ҳам режалаштирилмоқда.

Шунингдек, кадрларнинг касбий малакасини ошириш, хорижий тилларни ўргатиш ва белгиланган талаблар асосида айрим мутахассисларни Туркияда малака оширишга юбориш масалалари муҳокама қилинди.



Таъкидланишича, Бўстонлиқ туманида 2026-2028 йилларда 128 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш ва 8 минг 30 та янги иш ўрни яратиш режалаштирилган. Бу эса туризм ва меҳмондўстлик соҳасида малакали кадрларга бўлган эҳтиёжни янада оширади.

Таклиф этилаётган марказ ҳудуддаги кадрлар тақчиллигини камайтириш, хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш ҳамда туризм соҳаси учун замонавий касбий тайёргарлик тизимини шакллантиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

## Viloyat bo'ylab




**BÖSTONLIQ tumanida "Jaholatga qarşi ma’rifat" ğoyasi asosidagi tarğibot tadbirlari bölib ötdi. Ön kun davom etgan tadbirlarda aholiga hududdagi ijtimoiy-ma’naviy muhitni yanada soğlomlaştiriş, diniy bağrikenglik va millatlararo totuvlikni mustahkamlaş, yoşlarni turli yot ğoyalar ta’siridan asraş böyiça tuşunçalar berildi.**

**ÇIRÇIQ davlat pedagogika universitetida xavfsiz va hurmatga asoslangan mehnat muhitini şakllantiriş, xodimlarning huquq va qonuniy manfaatlarini himoya qiliş, şuningdek, tazyiq va zöravonlik holatlarining oldini olişga qaratilgan öquv-seminari ötkazildi. Tört kunlik öquv maşğulotlarida iştirokçilarning gender tengligini ta’minlaş, xodimlarning huquqlarini himoya qiliş hamda murojaatlar bilan işlaş mexanizmlari böyiça bilim va amaliy könikmalari oşirildi.**

**BEKOBOD şahrining “Döstlik” mahallasida oila va xotin-qizlar bölimi taşabbusi bilan “Ayol qadri uluğlangan yurt” mavzusida ma’naviy-ma’rifiy tadbir taşkil etildi. Unda özbek xalqining milliy urf-odat va an’analari namoyiş etildi. Mahalla faollari, oqila ayollar hamda faol xotin-qizlar iştirokida ötgan tadbirda xalq laparlari ijro etilib, milliy qadriyat va udumlarimizning öziga xos jihatlari körsatildi.**

**PARKENT tumanida navbatdagi “Rahbar va yoşlar” uçraşuvi bölib ötdi. Tuman hokimi Elmurod Pölatov rahbarligida ötgan uçraşuvda yoşlarning muammo va takliflari atrofliça muhokama qilindi. Oçiq muloqot davomida yoşlar tomonidan işga joylaşiş, kredit rasmiylaştiriş hamda boşqa dolzarb masalalar yuzasidan murojaatlar böldi. Har bir murojaat diqqat bilan tinglanib, mas’ullar iştirokida ularni tezkor va qonuniy hal etiş böyiça tegişli çoralar belgilandi.**

# “КОИНОТ” АҲОЛИСИГА ТУҲФА

▼ Яхши хабар

**Олмалиқ шаҳрининг «Коинот» маҳалласида 3-сонли оилавий поликлиниканинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда республика, вилоят ва шаҳар мутасаддилари, депутатлар, нуронийлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.**



Мазкур муассасанинг Тиббиёт ходимлари куни арафасида фойдаланишга топширилиши аҳоли ва соҳа ходимлари учун муносиб байрам туҳфаси бўлди.

Эндиликда 1954 йилда қурилган эски бино ўрнида давлат бюджетидан ажратилган 11,5 миллиард сўм маблағ ҳисобига қад ростлаган поликлиника 8 та маҳалладаги 30 минг 400 нафардан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатади. Бу ерда оилавий шифокорлар ва тор соҳа мутахассислари фаолият юритади. Шунингдек, тиббий ҳужжатларни рақамлаштириш ишлари ҳам йўлга қўйилган.





▼ Баракалла!

**“Президент Олимпиадаси” спорт мусобақалари доирасида оғир атлетика бўйича ўғил болалар ва қизлар ўртасида беллашувлар бўлиб ўтди.**

**Аёллар ўртасидаги мусобақанинг даст кўтариш машқида бўстонлиқлик Шахзода Инагамова 49 кг. вазн тоифасида 60 кг. тошни кўтариб, олтин медални қўлга киритди.**

**Шунингдек, эркаклар ўртасидаги даст кўтариш машқида 50 кг. вазн тоифасида вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган Бауржан Тажибоев 80 кг. тошни бўйсундирган ҳолда мусобақанинг энг юқори поғонасидан жой олди.**

# БИР ЙЎЛА ИККИ ОЛТИН





## "TOŞKENT HAQIQATI"ga 2027 йил учун ОБУНА давом этмоқда

***Ҳурматли газетхон!***

Янги йилни янги фикрлар, янги мақолалар ва янги хабарлар билан бошлашни истайсизми? Унда «TOŞKENT HAQIQATI» газетасига 2027 йил учун обуна бўлишни унутманг!

Зеро, газета – шунчаки қоғозга битилган сатрлар эмас. У – замон нафаси, одамлар ҳаёти, юрт воқеалари ва эл дардини бирлаштирадиган маънавий ҳамроҳ.

Биз эса янги йилда ҳам ҳар бир сонини сиз интиқиб кутадиган, ўқиб зерикмайдиган ва яқинларингиз билан баҳам кўрадиган газета тайёрлашга интиламиз.




Ҳафтасига икки бор – чоршанба ва шанба кунлари «TOŞKENT HAQIQATI» хонадонингиз ва идорангизга кириб боради. Яъни, йил давомида сиз билан ҳамнафас, ҳамсуҳбат ва яқин маслакдош бўлиб яшайди.

**2027 йил учун бир йиллик обуна нархи – 996 800 сўм.**

**Унутманг:** фарзандларингиз қўлида телефон билан бирга газета ҳам бўлсин – зеро, газетхон оилада фикр, мулоҳаза ва маънавиятга эътибор кучли бўлади.

Янги йилда ҳам биз билан бирга бўлинг!

**Маълумот учун телефонлар:** (55) 520-64-95; (97) 432-00-35.

***Шунингдек, таҳририятнинг Telegram канали орқали ҳам мурожаат қилишингиз мумкин.***

# ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ

## ёхуд мен нима учун Президентим

▼ Публицистик эссе

**Бошидан бир гапни айтмоқчиман, аввало, жанр масаласида. Гарчи шакл публицистик бўлса-да, структура нуқтаи назаридан мазкур матн эссега тортиброқ кетди. Шу боис ноанъанавийроқ бўлса-да, уни шундай аташни лозим топдим. Кейин, сарлавҳа борасида ҳам турли мулоҳазалар бўлиши мутлақо табиий, деб ўйлайман. Элитар поэзиямизнинг анъанавий «саси» сезилиб турадиган бундай баландпарвоз сўзлар бугун нормал ўқувчини бездирганини яхши тушунаман. Аммо мени муаммо сўзларда эмас, уларни истифода этишда деган ишонч доимо умидлантириб туради. Ва, албатта, мақола давомида икки «ялтироқ» сўз – «инқилоб» (айниқса, бу атама бўйича чуқурроқ фикр билдирмоқчиман) ва «ғурур» истилоҳларига нисбатан даъволаримни асослашга ҳаракат қиламан. Ўйлайманки, айни жараённинг ўзи матнга қўйилган адабий тавсиф мақомини ҳам оқлайди.**



Қудратилла РАФИҚОВ,
сиёсатшунос

### I

Чили-франциялик машҳур драматург ва рассом Алехандро Ходоровски «Қафасда туғилган қушлар парвоз қилишни касаллик бўлса керак, деб ўйлашади» деган эди.

Ўз даврида Пикассони ҳам мутаассир қилган айни афоризмни қарамлик ва озодлик, жўн айтганда, қуллик зеҳниятининг сўз орқали чизилган мукаммал тасвири, дейиш мумкин. Мен жуда кўп мақолаларимда тафаккур озодлиги ҳақида гапирганман. Ва бугун шуни англаб етаётирманки, бу иш билан нафақат бир-икки одам, балки олимлар, зиёлиларнинг катта армияси шуғулланиши шарт ва зарур экан. Негаки, жамиятнинг ўзгариши одамлар дунёқараши билан бевосита боғлиқ. Айни мулоҳазани Президентимиз жуда кўп ва таъсирли тарзда ифода этгани ҳам бежиз эмас. Жумладан, давлатимиз раҳбари **«Бугунги Ўзбекистон – кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас»,** дер экан бевосита одамларимиз онги тезроқ ўзгаришига ишора қилади. Ҳақиқат шундаки, бир асрдан ортиқ давр мобайнида тафаккурларимизга сингдирилган қарамлик таъсиридан чиқиб кетишимиз оғир кечаётир. Нафақат иқтисодиёт ва сиёсатда, балки кундалик турмушимиз, маданияту юриш-туришимизда ҳам кечаги кун «анъана»лари сезилиб туради. Ва бу жараёнлар бизнинг «ўзимиз»дан анча нари кетиб қолганимизни англатади.

Мен яқинда юртимизда тадқиқот олиб борган хорижлик бир антрополог олимнинг мақоласи билан танишдим. У кўтарган мавзусида нега ўзбек жамиятида одамлар кўпроқ бир хил тусдаги, масалан, оқ ва қора рангдаги уст-бош кийишни урф қилишгани ҳақида мулоҳаза юритади ва ўз фикрини, бу коммунистик мафкуранинг «маиший-маданий сиёсати» билан боғлиқ бўлиши мумкин, дея хулосалайди.

Дарҳақиқат, мустамлакачилик яратган «миллий менталитет» нафақат анъана, балки «ким»лик коди» даражасига дўниб қолганини биз кўп ҳам пайқамаймиз. Оддий одамлар у ёқда турсин, академик доираларимизда ҳам бу мавзулар бугун жиддий муҳокама қилинаётганига шубҳа билан қарайман. Шунчаки мисол, айни дамда минтақамиз жамиятларида, дейлик, палов ўзбек ва тожикларнинг, бешбармоқ қозоқ ва қирғизларнинг миллий таоми, дейилиши мутлақо ҳақиқат саналади. Ҳолбуки, социал маданиятимиздаги бундай «тартиб» аслида сунъий равишда сингдирилган бўлиши ҳам мумкинлиги ҳақида кам шубҳага борамиз ёки бу борада тушунчаларнинг умуман йўқлиги боис конформизмга юз бурамиз.

«Совет даврида нафақат ошхона географияси, миллий уст-бошимиз ҳам марказдан «лойиҳалаштирилган», дейди келиб чиқиши қирғизистонлик бўлган АҚШлик тадқиқотчи Эрика Марат. Унингча, «...ҳар бир республикага номини берган этник гуруҳга стандартлаштирилган «анъанавий» таомлар ва кийиниш турларининг муайян тўпламини тепадан белгилаб берилган. Кийим-кечакнинг турлича ҳаёт тарзи, иқлим шароитлари, ижтимоий мавқе ва вазифаларга мослаштирилган мураккаб кўринишлари ҳар бир совет республикаси учун битта стандарт либосгача соддалаштирилган». Ушбу қараш нафақат ижтимоий-сиёсий, индустриал соҳалар, жумладан, қурилиш ва архитектурада ҳам ўз тажаллисини топган. Биргина ўтган асрнинг 40-70-йилларида Тошкентда амалга оширилган меъморчилик нафақат қурувчилик, балки сиёсат даражасидаги масалага айланганини зукко одамлар яхши билишади (Шу ерда айтиб кетай, бугун мен айнан бунёдкорлик ва давлат сиёсати, ҳукмрон мафкуралар ва оддий одамларнинг турмуш тарзи борасида кенгроқ гапиришни мақсад қилганман).

Тўғри, бугунгача «совет модернизми» сифатида талқин этиладиган «Чорсу» бозори, «Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Халқлар дўстлиги» саройи каби иншоотлар ўз даврининг беназир лойиҳалари эди. Аммо бу ансамбларни қуришда модернистик архитектурага маҳаллий идентлик сифатлари сингдирилиши ҳам сафарбарлик самимиятини шубҳадан холи қила олмади. Чунки ушбу бунёдкорлик «томирлари» илҳомни коммунистик мафкура сарчашмасидан олаётганди. Унга кўра, Тошкент советларнинг бутун Шарқдаги «витрина»си, қолаверса, социализмнинг мусулмон ўлкасидаги ғалабасини акс эттириши лозим эди (ушбу иддаолар меъморлар ҳисоботларида урғуланган архив ҳужжатларида муҳрланган).

Ўзи, умуман, тарихни кузатсангиз, бунёдкорлик сифатида талқин этиладиган жараёнлар аксарият ҳолларда ижтимоий-гуманитар ҳодисадан кўра, кўпроқ ҳокимиятнинг «сиёсий тили» вазифасини ўташга сафарбар қилинганига гувоҳ бўлишингиз мумкин (бу масалада ҳалироқ жаҳон тарихи ва қолаверса, ўзимизнинг яқин ўтмишдан ҳам мисоллар келтираман).

Ўрни келганда ўша давр қурилишлари ҳақида яна бир мулоҳазани айтмоқчиман. Ушбу масалада эски замонни қўмсовчилар бир фикрни илгари суришни яхши кўради: яъни собиқ тузум бизда урбанизация маданиятини пайдо қилди, кўплаб шаҳарлар қурди...

Очиғи, бу фикр билан оёқ тираб тортишмоқчи эмасман. Ҳақиқатан ҳам, ўтган асрнинг 30-80-йиллари давомида юртимизда ўнлаб янги шаҳарлар пайдо бўлди. Буни инкор қилиб бўлмайди. Аммо шу ерда, гарчи бундан мақсад «инсонларнинг бахту саодати» бўлмаса, унда муддао нима эди, деган ҳақли саволга ҳам жавоб бериб кетиш керак. Масалан, Навоий, Олмалиқ, Ангрен, Учқудуқ, Зарафшон, Гулистон ва яна шундай ўнлаб масканларнинг бунёд этилишини бугун қандай шарҳласак тўғри бўлади?! Гапни чўзмай дарров айтаман, бу кентларнинг барчаси ўз характерига кўра моношаҳар (иқтисодий жиҳатдан бир асосий корхона ёки тармоққа таянган)лар эди. Яъни бунёдкорликдан мақсад ҳеч қачон инсон бўлмаган. Балки ер ости ва усти бойликларини инструментлаштириш режасининг бир қисми бўлган. Албатта, бундан ҳафсала пир бўлмаслиги керак. Чунки метрополиялар қадарига ўз перифериясини обод қилиш ва ёки маҳаллий аҳолининг пешонасини «ярқиратиш» ёзилган фаришталар, деб ўйласак, хато қилган бўламиз. Биз мансуб «колониализм» эса инсоният тарихидаги бошқа турдошларига нисбатан «ахлоқий нормативлик» билан ҳам ажралиб турган. У инсондан кўра ғояни афзал биладиган, ўз ғалабаси ва манфаати йўлида халқлардан восита сифатида фойдаланишдан-да тортинмайдиган глобал дунёдаги сиёсий субмаданият ўлароқ таассурот қолдиради бугун.

Шундай тузум ҳамда сиёсат, жонли бир ҳаётни кўрган одам энди «Инсон қадри учун» деган ғоя нима сабаб кун тартибига чиққанини ҳамда унинг аҳамиятини жуда яхши тушунади.

### II

Юқорида Ходоровскидан келтирилган иқтибос бежиз эмас. Зотан, боя айтганимдек, бугун бизда постколониализм-мустамлакавий ҳукмронлик «оқибатлари» ва деколониализм-мустамлакачилик мероси, тафаккури, ҳукмронлик кўринишларини танқидий қайта кўриб чиқиш борасида амалий қадамлар сезилаётгани йўқ, десам, нотўғри гапирмаган бўламан.

Шу ўринда бир мулоҳазани баён этмоқчиман. Реал маънавий аҳволимиз «манзара»ларини бизда фандан кўра адабиёт ва санъат жабҳаси эртароқ, ўша «ошкоралик» замонларидан-да олдинроқ англаган ва уни поэтик услубда кўрсатишга ҳаракат қилган эди. Мисол учун, ўтган асрнинг 80-йилларида замонасининг машҳур режиссёри Марк Вайль «Илҳом» театрида Евгений Шварцнинг «Аждарҳо» эртагини саҳналаштирганди. Ушбу мажозга қурилган асарда шаҳар одамлари ўзлари қули бўлган кекса аждарҳони ўлдиргани келган баҳодирга қарши чиқади. Сабаб: улар бандиликка кўникиб қолишганида эди... Албатта, аллегориялар ўз-ўзидан туғилмайди. Ва Вайль ҳам турғунлик йилларида бу асарга бекорга мурожаат қилмаганди. Бироқ ҳозир гап адабиёт ёки санъат жанрлари ва яна метаморфозалар драматизми ҳақида эмас, масала орадан деярли қирқ йил ўтаётган бўлса-да, биз учун мудом айни мавзунинг эскирмай қолаётганида.

Аммо қизиқ парадокс шундаки, биз шу ҳолимизча ҳам демократиянинг юксак андозаларини талаб этиб харҳаша қиламиз, баъзан. Қозоғистонлик жуда машҳур сиёсатчи бир замонлар киноя билан «Америкадагидек демократияни жорий қилишни истардик, лекин Қозоғистонда шунча америкаликни қаердан топамиз?» деганида катта эҳтимол билан шуни назарда тутган бўлса, ажабмас...

Шу мулоҳазалардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, бугун бизнинг олдимизга қўйиладиган энг катта ва фойдали савол «Биз демократияга тайёрмизми, йўқми?»дан кўра, кўпроқ «Биз деколониализмни қандай тушунамиз?» бўлиши керакдек таассурот уйғотади одамда.

Айни маънода, матнда фойдаланилган икки аллегория восита ўлароқ мақсадни тўлиқ оқлайди. Таассуф шу ердаки, нафақат олим ёки мутахассис, балки қизиқувчан оддий инсон ҳам бугун жамиятимиз «томири»ни ушлаб, айни «ташхис» аломатларини сезиши мумкин. Ҳа, кўпчилигимиз мансуб анъанавий тафаккур Шварц эртагидаги шаҳар аҳолисининг аждарҳога муҳаббатини фавқулодда эслатиб юбориши билан одамдаги хавотирни кучайтиради, баъзан.

Мен бугунги кунларимизда ҳам ўтган замонларни соғинадиган, ҳозирги янгиланишлар ва ўзгаришларга кек билан қарайдиган, гугуртнинг бир тийин бўлганини мифлаштирадиган, эрк ва озодлик тўғрисида сўзловчиларга «касал»га қарагандай муносабат қиладиган жуда кўп одамларни биламан. Нафақат оддий кишилар, балки амалдор ва зиёлилар орасида ҳам тарихнинг ортга «эврилишини» пинҳона қўмсайдиган юртдошларимиз ўйлаганимиздан ҳам кўпроқ топилиши мумкин. Ва бу, ҳеч шубҳасиз, ўзгариши жуда қийин кечаётган тафаккур тарзимиз билан бевосита боғлиқдир.

### III

Ёзаётган мақоламга «инқилоб» ва «ғурур» тушунчаларини асосий ғоявий таянч сифатида танлаганим бежиз эмас. Зотан, Шавкат Миромонович бугунгача амалга оширган тарихий янгиланишлар моҳияти етарлича очиб берилгани йўқ. Айниқса, бу ҳаракатлардан мақсад жамият тафаккурини ўзгартириш, янги инсон ва чин маънодаги суверен мамлакатни бунёд этишга қаратилганини ҳисобга оладиган бўлсак, бу янада яққолроқ кўзга ташланади.

Сабаб? Сабаб шуки, анъанавий ташвиқот воситаларимиз – расмий газеталар, теле ва радиоканаллар эскича, одамларни бездирадиган форматлардан ҳали оёғини олгани йўқ.

Давлат раҳбари «миллий контент» яратиш кераклиги ҳақида гапирганига бир неча йил бўлди. Хўш, бу амалга ошдими? Тўғри, глобал тармоқ ўзбек сегментида бугун бир қанча ахборот манбалари кўзга ташлана бошлади. Аммо биз «жиддий» деб қарайдиган кўпгина интернет нашрлари ҳам ҳозирча фаолият кўламини Россия – Украина, АҚШ – Исроил – Эрон ёки дунёдаги бошқа геосиёсий масалалар атрофида шакллантиришга ҳаракат қилишаётир. Тўғри, бу ҳам муҳимдир. Аммо мамлакатимизда, Ватанда бўлаётган янгиланишлар ва ўзгаришларни ким шарҳлайди, одамларга, жамиятимизга ким тушунтириб, етказиб беради?!

> **Давлат раҳбари “миллий контент” яратиш кераклиги ҳақида гапирганига бир неча йил бўлди. Хўш, бу амалга ошдими? Тўғри, глобал тармоқ ўзбек сегментида бугун бир қанча ахборот манбалари кўзга ташлана бошлади. Аммо биз “жиддий” деб қарайдиган кўпгина интернет нашрлари ҳам ҳозирча фаолият кўламини Россия — Украина, АҚШ — Исроил — Эрон ёки дунёдаги бошқа геосиёсий масалалар атрофида шакллантиришга ҳаракат қилишаётир. Тўғри, бу ҳам муҳимдир. Аммо мамлакатимизда, Ватанда бўлаётган янгиланишлар ва ўзгаришларни ким шарҳлайди, одамларга, жамиятимизга ким тушунтириб, етказиб беради?!**

Баъзан шундай бўладики, Ўзбекистонда бўлаётган фундаментал ўзгаришлар моҳиятини бизнинг матбуотдан кўра четдаги медиаплатформалар таъсирчанроқ ёритмоқдами, деган гумонга ҳам борасан киши.

Яқинда шундай нашрлардан бирида Қирғизистоннинг биринчи президенти иттифоқ йиқилиб, минтақа давлатлари мустақилликни қўлга киритган илк йиллар ҳақидаги ўз фикрини бўлишди. «...Ростини айтсам, 90-йилларда, президент бўлганимда, менда бир шубҳа бор эди: қирғизлар бозор механизмларини ўзлаштириб кета оладими, ўзбеклар билан рақобатлаша оламизми, деб кўп ўйланардим. Чунки менинг назаримда, бозор иқтисодиётига ўтишимиз билан ўзбек бизнесдорлар бутун Марказий Осиёни эгаллаб, бошқарадигандек эди. Сабаби, улар совет давридаёқ бунга тайёр бўлган. Аммо барчамиз Ислом Каримовдан миннатдор бўлишимиз керак. У киши ўзбекларни дунёдан ажратиб қўйди. Шу билан қирғиз ва қозоқларга имконият яратиб берди. Шунинг учун Қирғизистонда Ислом Каримовга ҳайкал ўрнатган бўлардим. У бизга йўл очиб бергани учун қирғизлар бозор механизмларини ўзлаштириб олди. Агар рақобат бўлиб, Ислом Каримов Ўзбекистонни очиб қўйганда эди, мана, ҳозир Мирзиёев каби дунёга очилганда эди, биз улар билан рақобатлаша олмас эдик».

Албатта, Акаевнинг ушбу фикрлари билан юз фоиз келишиб бўлмас, бироқ масалага холис қарасак, у ўша йиллардаги вазиятни ўзи кўрган, иштирокчиси бўлган инсон сифатида баҳолаган. Қолаверса, у ўз хотиралари билан бугун қўшни Ўзбекистонда бўлаётган инқилобий ўзгаришларнинг қийматини аниқ қилиб кўрсатиб берган.

Ҳақиқат шундай нарсаки, баъзан у одамни тўғри гапни айтишга ундайди. Ўзбекистонни танқид қиладиганлар кўп ҳолларда «ўтган маъмурият фаолиятига сиёсий баҳо берилмаётир» деган айбни ёпиштиришга уринишади. Ташқаридан қараганда, бу гапда жон бор: мамлакатимиз бугун янги йўлга кирди. Президентимиз жуда кўп бор айтганларидек, Ўзбекистон кечаги Ўзбекистон эмас. Лекин ҳар қандай сиёсий қадриятлардан-да чуқурроқ ва айни пайтда қадрлироқ бир руҳоний бойлик бор. Бу чин маънодаги ўзбек характери билан боғлиқ жиҳат, дейишимиз мумкин. Кечаги кунни сўкмай, хатолардан сабоқ чиқариш гарчи бугунги кунларимизда камёблашиб бораётган бўлса-да, миллатимизга хос хислат. Яқин тарихимизда жуда кўп «политтехнология»лардан фойдаландик. Жамиятни шиорларга буркадик, қўшнилар билан баъзан очиқ, баъзан пинҳона «сан-ман»га бордик. Лекин нима бўлди? Шу билан бахтли бўлиб кетдикми?!

Энг ёмон томони, ўша совет замонларида республикани бошқарган раҳбарларнинг бирортаси бизнинг «тарғибот машина»ларимиздан «бутун» чиқмади. Ҳаммасини «майиб» қилдик. Номларини ўчириб ташлашга ҳаракат қилдик ва охир-оқибат ўзимиз учун ноқулай манзара яратдик. Аслида тарихни ёзишни тарих илмининг ўзига қолдирган маъқул...

Майли, ҳозир гап бу масалада эмас. Мен бировни қоралamасдан, турли даражадаги сиёсий миф-душман персонажларни ижод қилмасдан ҳам ишлаш ва натижа кўрсатиш мумкин эканини ифода қилиш учун бу гапларни айтдим.

Гап бошлаганим матбуотимиз, унинг бугунги фаолиятига қайтадиган бўлсак, табиийки, бир жиҳатни унутмаслигимиз керак: биз XXI асрда яшаяпмиз. Дунё жуда тез ўзгармоқда. Бироқ биз ахборот сиёсати масаласидаги ишларимизни замонга ҳамон мослаб ололмаяпмиз. Бугун кўпчилик газета ва расмий телеканаллар ўз аудиториясини йўқотди, деган ҳақли эътирозларнинг асосий сабаби шу, менимча. Бунинг эса давлат сиёсатига сезиларли таъсири бор. Чунки бугун олиб борилаётган ислоҳотларни жамият ва халққа етказиб беришда асосий вазифа улар зиммасида. Матбуот ва унинг бугунги профессионал савияси ҳақида гапирганда бир жиҳатни ҳисобга олиш керак бўлади. Бу кўпроқ биз таҳлилга тортаётган ҳадик билан бевосита боғлиқ, назаримда. Тепадан «имлов» кутиш, юқоридан кимдир айтмагунча мустақил ҳаракатдан тийилиб туриш матбуотимиз учун мудом энг тўғри йўл ҳисобланади. Қолаверса, эски давр синовидан ўтган анъанавий ва энг хавфсиз усул – қуруқ мақтов, мадҳиябозлигу, ураурачилик ҳам унинг ўқувчи ва томошабинлардан узоқлаштираётган сабаблардан бири бўлиши мумкин.

Нега буни гапиряпман, чунки матбуотимиз, айниқса, расмий ОАВ мана шу ўзгаришлар жараёнини чуқур ҳис қилмаётир, назаримда. Эътибор бериб кузатсангиз, бош экранларимизда, катта газеталаримиз саҳифаларида фақат бир хил одамлар гапиради, ёзади... Бунинг устига риторика ҳам, «романтизм» ҳам ўзгармаган, 20 йил олдин қандай бўлса, шундай... Табиийки, бундай шароитда ўқувчи-ю томошабинни айблаб бўлмайди. Ва шу сабаб бизнинг «тарғибот сиёсатимиз» жамиятда маълум маънода ўз аксилтаъсирини кўрсатиб келмоқда.

Аслида, Президент амалга ошираётган ишлар малакали мутахассислар, аналитиклар томонидан муфассал шарҳланса, давлат раҳбари маърузалари, жойлардаги чиқишлари, оддий одамлар даврасидаги фикрлари юқори интеллектуал доиралар томонидан таҳлил қилиб берилса, шунинг ўзи етарли.

Ҳозир ўрни бўлмаса-да, бир гапни айтаман. Бир неча йил олдин «учар фаоллар»дан бир гуруҳи йиғилиб, шахсан Президентга мактуб йўллашади. Хатнинг мазмуни шундайки, сиз давлатимизнинг юксак мукофотларидан бирига муносибсиз, рухсат берсангиз, номзодингизни комиссияга киритсак... Ўша воқеадан кейин Шавкат Миромонович «Атрофимда юрган одамларки менинг қалбимда нима борлигини тушунмаса, яна кимдан хафа бўлишим керак», деган эдилар...

Ҳақиқатан ҳам, Президентимиз кўп бор айтганидек, раҳбар учун одамларни рози қилишдан юксак мукофотнинг ўзи йўқ. У кишидан «Мен оддий одамлар, ўғил-қизларимиз юз-кўзларида қувончни кўрсам, уларнинг бу ҳаётдан розилигини илғасам, шунинг ўзи менинг бахтим. Менга бундан ортиқ мукофот ҳам, мақтов ҳам керак эмас» деган гапларни жуда кўп бор эшитганман ва ушбу сўзларнинг қатъий ҳамда самимийлигига ҳеч қачон шубҳа қилмаганман.

Ҳолбуки, Шавкат Миромонович ҳам совет замонларини, кўкраклари мамлакатнинг энг юксак орден-медаллари билан тўлиб кетган ўша давр раҳбарларининг кўпини кўрган. Аммо бундай тарздаги эътирофдан ўз халқининг розилигини, чинакам бахту саодатини доим афзал билди. У кишининг бошқалардан фарқи ҳам аслида шунда. Бу инсоний характер, одамларга меҳр ҳамда чексиз самимият менинг қалбимда доимо ғурур туйғусини уйғотиб келган.

Ўз Президентидан ҒУРУРЛАНИШ туйғуси менинг қалбимда шундай алангаланган.

### IV

Хабарингиз бор, бу йил мустақиллик байрами «Янги Тошкент»да ўтказилди. Баъзи бировлар бу ҳаракатни давлат популизми билан боғлашди. Менимча эса, ундай эмас. Президентнинг бундан кўзлаган мақсади ушбу тахминлардан юз чандон юксак ва самимийроқ. Масалан, мамлакатнинг сиёсий байрамини янги қурилаётган шаҳар бағрида ўтказиш фақат бир неча маъмурий ва таълим иншоотлари ҳамда Гиннес рекордлар китобига кирган фавворани фойдаланишга топшириш ё кўз-кўз қилишдан иборат эди, деб хаёл қилиш жуда кулгили бўлар эди.

Давлат раҳбари қурилаётган ушбу шаҳарни нафақат одамлар истиқомат қиладиган замонавий бир мегаполис, балки янги дунё, янгича тафаккур ва озод одамни ифодаловчи тарихий бир ғоя тимсоли сифатида кўришини мен жуда кўп бор сезганман. Мана, яқинда у киши бу ерга яна ташриф буюрди ҳамда фаоллар, тижоратчи ва инвесторлар билан учрашувда «Янги Тошкент – ўзимизники!» деган чақириқни ўртага ташлади ҳамда шаҳар ҳудудидан пойтахт туманлари ва вилоятлар учун ҳозирча 100 гектардан ер ажратиб берилишини маълум қилди. Сизнингча, бу нимани англатади?

Агар биз 100-120 йиллик тарихимизни ўрганадиган бўлсак, миллат сифатида жуда кам ҳолларда жипслашганимизни кўришимиз мумкин. Уруғ-аймоқчилик, майда этник айирмачилик, маҳаллийчилик... Миллий традиционализмнинг бундай хавфли ва зарарли кўринишлари биз билан бугунгача «яшаб» келаётганини ким инкор этади. Ҳозиргача «шаҳарлик», «қишлоқлик» деган сифатлов тури ердан оёғини узмаганини унча зукко бўлмаган одам ҳам сезади. Пойтахт марказчилиги ҳақида-ку, мутлақо гапирмаса ҳам бўлади. У бу борада, умуман, барча масалада доминант мақомга эга эди. Тошкентда яшаш, тошкентлик бўлиш мамлакат фуқароси учун энг юқори ижтимоий рутба – оқсуяклик мақомини берарди гўё. Мамлакат бошкентидан бошланган айни вертикал маъмурий ҳудудлар – вилоятлар бўйлаб ҳам кенг ёйилганди. Хуллас, марказ алоҳида ҳам маданий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кенг устуворликларга эга эди. Ҳолбуки, шундай бир шароитда мамлакат аҳолисининг ярмидан кўпи қишлоқларда истиқомат қилишарди...

# ИНҚИЛОБИ билан ғурурланаман?

**Катта ишларнинг шовқини ҳам, довруғи ҳам ўзига яраша бўлади. Шу маънода гапирадиган бўлсак, бугун ушбу сиёсатни тушунаётганлар ҳам, тушунмасдан ёки жўрттага оёқ тираб талашаётганлар ҳам топилади. Баъзан Шавкат Мирзиёев нима учун пойтахтда бунча кўп уйлар, бу ҳам етмагандай, бутун бир янги шаҳар қуряпти, нега вилоятлар марказларида "Янги Ўзбекистон" массивларини барпо этаётир — бу ёнатрофга ўзини кўрсатиш — сиёсий популизм эмасми дейдиганлар ҳам йўқ эмас орамизда.**



Хўш, нима деб ўйлайсиз, аҳволнинг бундайлигини, мамлакат аҳолиси, яъни халқ бир неча ижтимоий табақаларга бўлиниб қолганини ҳеч ким билмасмиди?

Менимча, буни ҳаммамиз тушунардик, яхши билардик. Фақат узоқ вақт кўрмаганга олдик. Бунинг эса кўплаб сабаблари бор эди...

V

Сўнгги ўн йилликда амалга оширилган ва тез ёдимиздан кўтарилган дадил ислоҳотлардан бири «прописка» тизимининг бекор қилиниши бўлди.

Аслида «прописка» лойиҳасининг раҳнамоси Иосиф Сталин эди. Гражданларни шахсий назорат қилишни кучайтириш ва ҳокимият хавфсизлигини таъминлаш мақсадида жорий қилинган айни тартиб деярли 100 йил (иттифоқ таназзулидан кейин ҳам) давом этди.

Инсонларни давлат инвентарига айлантириб қўйган бу механизмнинг 2017 йилга келиб бекор қилиниши, албатта, тарихий жасорат, ҳақиқий ИНҚИЛОБ эди. Бироқ ҳозир гап бу ҳақда эмас. Сўзимиз посткоммунистик давр – мустақилликдан кейин ҳам ушбу тартибнинг узоқ муддат амалда қолганида.

Хўш, нега шундай бўлди? Кўпчилик буни бугун ҳам яхлит маънода хавфсизлик ҳамда сиёсий қудратни асраб қолиш амбицияси билан боғлайди. Бўлса, бордир. Аммо шу ўринда кўздан панада қолаётган яна бир омил ҳам мавжуд. Бунинг манбаи катта шаҳарлар, айниқса, пойтахт инфратузилмасига тушадиган «босим»дан қочиш, демографик «сакраш» (эътибор беринг, 1990 йилда Ўзбекистон аҳолиси 20,2 миллион, 2000 йилда 24,5 миллион, 2010 йилда 28 миллион, 2020 йилда 33,9 миллион бўлган. Бугун ушбу нуфус 40 миллионга яқинлашди) ҳамда аҳолининг шаҳарлашувга бўлган тийиқсиз иштиёқини жиловлаб туришдек ўта нозик тектоник масала билан боғлиқ эди, дейишга етарлича асос топиш мумкин.

Мазкур принципларга кўра, «прописка» масаласи совет даврида марказ – Москвадан назоратга олинган бўлса, мустақилликдан сўнг Президент фармонлари билан бажонидил бошқарилди...

Тўғри, айтганимиздай мавзу бу эмас. Аммо унинг «оқибати» биз айтмоқчи бўлаётган ҳикоянинг мазмунига жуда алоқадор. Шу маънода гапирадиган бўлсак, ушбу масалада Шавкат Мирзиёев зиммасига олган масъулият фақатгина баргранг паспортларимизнинг «яшаш манзили» деган саҳифасига ориладиган муҳрни маҳв этишдангина иборат эмасди. Бу ёпиқ қозон ичидан чиқиб, Ватанингнинг исталган манзилида иш ва қўним топиш, кенгроқ маънода айтганда, озод инсондек яшаш эркинлиги дегани эди. Аммо деярли бир аср таъқиб қилинган ва чекланган бу эркинликни таъминлаш осон ишмиди?!

Навбатдаги мулоҳазаларимиз айни саволдан келиб чиқадиган сабоқ, оқибат ва унинг натижалари атрофида бўлади.

VI

Бундан атиги ўн йил илгариям матбуотда ёки элитар мунозараларда мамлакатдаги демографик вазият ҳақида жуда кам гапириларди. «Урбанизация», «агломерация» деган атамалар фақат илмий давралардагина ишлатилар, аҳолининг уй-жой масаласи борасидаги дискуссияларига қўшилишидан иложи борича эҳтиёт бўлинарди.

Бундай «саранжом»лик ортида, ҳали айтганимиздек, албатта, бир хавотир бор эди: аҳолининг шаҳарларга оқиб келиши ва агломерацияга йўл очиш ўз-ўзидан улкан ижтимоий-иқтисодий муаммоларни туғдирарди.

Келинг, шу ўринда ушбу масаланинг оқибатини ифодаловчи бир кичик иқтибосдан фойдаланамиз. Президентимиз 2026 йил 25 февралда урбанизацияга бағишлаб ўтказган йиғилишда пойтахт мисолида гапириб шундай деган эди: «Сўнгги йилларда пойтахт иқтисодиёти ва агломерацияси жадал ўсиб, Тошкент шаҳрининг доимий аҳолиси 3,1 миллион нафардан ошди. Шу билан бирга, 2045 йилга бориб, шаҳар аҳолиси икки баробардан зиёдга ортиши прогноз қилинмоқда. Бу эса урбанизация жараёнларини уй-жой, транспорт-логистика, муҳандислик тармоқлари ҳамда ижтимоий инфратузилмага тушаётган юкламага мутаносиб ҳолда ривожлантиришни талаб этади».

Ушбу фикрлар, ўйлаймизки, ўша давр учун ўта хавотирли бўлган мураккаб вазият манзарасини анча ойдинроқ намоён этиши мумкин.

Тўғри, холисона ва инсоф билан айтганда, шаҳарни замонавийлаштириш, янги марказлар ва даҳалар қуриш ҳақида орзу-истаклар ўтган даврда бўлмаган, дейиш адолатдан эмас. Бироқ режани тор сиёсий ҳужралардан ҳаётга кўчириш учун одамда катта сиёсий ирода бўлиши кераклиги ҳам ҳақ гап.

Мен мустақилликнинг илк йилларида пойтахтнинг икки туманида раҳбар бўлиб ишлаганман. Ўша йиллари нафақат қурилиш қилиш, ҳатто ёрилган ичимлик сув қувурини алмаштиришга ҳам битта экскаватор тополмай бир неча кунлаб сарсон бўлганимни яхши эслайман. Шу боис Президентимиз бугун нафақат шаҳар, балки бутун мамлакатимиз бўйлаб олиб бораётган ишлар кўламини кўриб, очиғи, у кишининг ғайрат-шижоатига тан бераман. Эътибор қилинг, жорий йилда пойтахтнинг 12 та тумани бўйича 9 миллиард доллар инвестиция жалб қилиш режалаштирилган. Бу ўз-ўзидан бўлади, деб ўйлайсизми?! Ёки мана бу рақамларга бир аҳамият қаратинг: статистикага кўра, ўтган ўн йилда аҳолимиз 8 миллионга кўпайди. Айни шу давр ичида 650 минг оила янги уй-жойли бўлди...

Мен юқорироқда бугун мамлакатдаги бунёдкорлик ва бу ўзгаришларнинг одамлар онгу тафаккурига таъсири, қолаверса, ижтимоий сиёсат ва мафкуралар ҳақида кенгроқ тўхталаман, деган эдим. Ҳақиқатан ҳам, инсоннинг яшаш тарзи унинг дунёқарашига ҳам таъсир кўрсатади.

**Очиқ айтганда, "инқилоб" сўзига бизда узоқ йиллар мухолиф атамадек қаралган. Гарчи расмий тўсиқ бўлмаса-да, айниқса, сиёсий дискурсда бу калима (бир-иккита истисноларни ҳисобга олмаганда) элитар нарратив ва ирод қилинадиган нутқларда деярли учрамасди. Шунингдек, жамоатчилик орасида ҳам уни қўллаш ва ишлатишда ҳадик бор эди. Ва эҳтимолки, айни сабаблар уни ўзининг полисемантик хусусиятини йўқотиб, якка маъноли "от"га айланиб қолишига олиб келди. Масалан, советлар замонида ушбу истилоҳга фақат бир ўринда — "Қизил октябр"га нисбатан мурожаат қилиш кенг истиқболли саналарди: кўкракни тўлдириб, "Буюк Октябрь инқилоби" дейиш совет гражданида нафақат маънавий-мафкуравий етукликни, балки тузумга бўлган садоқатни ҳам англатарди.**

Бунга яқин тарихимиздан кўплаб мисолларни келтиришимиз мумкин. Ўтган кунларимизга қарайдиган бўлсак, бизда қурилиш, хусусан, аҳоли учун тураржойлар қурилиши нисбатан тизимли равишда «қайта қуриш» йилларининг охирига қадар давом этди ва тўхтади. Сўнгра «Банковский дом» деган ном остида пойтахтнинг баъзи даҳаларида уйлар қурилди. Аммо уларни олишга оддий одамларнинг қурби етмасди...

Очиғи, айтиб ўтганимиздек, асл муддаодан қатъи назар қуриш, обод қилиш, атрофни «гулзорга айлантириш» барча замонларда ҳам актуал бўлган. Совет даврида ҳам бу борада бир нечта йирик давлат дастурлари ва қурилиш сиёсати йўналишлари бўлган. Масалан, «коммунал квартиралар» (улар бир рўзғор сифатида эмас, балки бир нечта оила ёки шахс томонидан умумий фойдаланиладиган хонадонлардир. Бундай уйларда ҳар бир оила алоҳида хонада яшаган, ошхона, ҳожатхона, ҳаммом ва йўлак каби жойлардан эса биргаликда фойдаланган) деган бугун кўпчиликнинг эсидан чиқиб кетган тушунча ўша сиёсатнинг бир қисми ҳисобланади.

Идеология, реал турмуш ва бу омилларнинг одамлар тафаккур тарзига таъсири, уни шакллантиришдаги ўрни ҳақида гапирар эканмиз, айни нуқта совет даври маиший ҳаётининг ижтимоий экспликацияси (моҳиятини очиб бериш)га яхши мисол бўла олади, дейишимиз мумкин. Негаки, коммунал квартира – фақат уй-жой етишмовчилигининг оқибати эмас, балки давлат сиёсати, шаҳарсозлик ва халқнинг кундалик турмушини бир нуқтада бирлаштирган тарихий ҳодиса ҳам эди. Ва яна бунга турли маданиятлару урф-одатларни ягона бир «қайнатувчи қозон»га солиб, ягона халқ – совет кишиси феноменини яратишга бўлган уриниш ҳосиласи, деб қарасак ҳам кўп хато бўлмайди. Чунки бундай яшаш тарзи фуқароларда «шахсий эркинлик», «озод фикр» каби ҳукмрон мафкурага ёт тушунчалар шаклланишини чеклар, барчани бир ғоя йўлида бирлаштиришга яхшигина кўмаклашарди.

«Коммуналка»лардан кейин айни жабҳадаги катта сиёсатга 1957 йилларда старт берилади. Айнан ўша йили бутун мамлакат бўйлаб уй-жойга бўлган талабни қисқа муддатда камайтириш мақсадида намунавий лойиҳалар асосида оммавий тарзда кўп қаватли, нисбатан арзон уйлар қуриш бўйича КПСС Марказий Қўмитаси ва СССР Министрлар Советининг «СССРда уй-жой қурилишини ривожлантириш тўғрисида»ги қарори чиқарилади.

Тарихда кўпроқ «Хрушчёвка уйлари» деган ном билан машҳур бўлган ушбу тажриба ҳақида ҳам ажабтовур ҳангомалар бор. Энг муҳими, уларнинг бирортаси тўқима эмас. Мана, шулардан бири: совет замонида одамлар нима учун уй деворига ҳашамдор гилам осишганини ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?! Ташқаридан қараганда, бу шунчаки бир мода ёки эстетик қолоқликдай туюлиши мумкин. Аммо ундай эмас. Совет одамларининг бойлик рамзи ҳисобланган гиламларнинг деворларга қоқилиши муайян мақсадни кўзлаб урфга айлангани тўғрисида турли гаплар тарқалган.

Ўтган асрнинг 50-60-йилларида катта шаҳарларда аҳолини турар-жой билан тезроқ таъминлаш мақсадида арзон ва оддий лойиҳа бўйича ёппасига қурилган сифатсиз «хрушёвка»ларда бу буюм одамларни кўзга кўринмас «душман»лардан ҳимоя қиларди. Сабаби, хонадон деворлари шу даражада юпқа эдики, ҳатто уйдаги шивир-шивир ҳам қўшнига бемалол эшитилар ва бу шахсий ҳаёт, деган тушунчага тўғридан-тўғри дахл қиларди.

Гилам эса бунда товуш ютгич вазифасини ўтаган. Қолаверса, момиқ жундан тўқилган нодир матоҳ нам ва юпқа бетон девор оша ташқаридан сизиб кирадиган совуқдан ҳимояловчи восита ҳам бўлган. Хуллас, кўпчилигимизнинг кўзимиз ўрганиб кетган девордаги гилам оддий декор эмас, балки «қулоқ» ва аёздан уй эгасини ҳимояловчи омил ҳам бўлган...

Албатта, сиз ушбу контекст орқали нимага ишора қилинаётганини яхши тушуниб турибсиз. Ҳа, масалага чуқурроқ ёндашсангиз, бу сафарбарликлардан мақсад инсон бахту саодатидан кўра кўпроқ ҳукмрон ғояга садоқат кўрсатиш бўлганини англайсиз. Қолаверса, икки қутбли дунёда социализм ва капитализм ўртасидаги тизимлараро рақобат ҳам кўп кўзбўямачиликларга «доя» бўлган. Бироқ тарихни қарасангиз, катта сиёсатда бу тажриба анчадан буён машҳур амалиёт эканини кўришингиз мумкин.

VII

Сиёсатчилар тилида «Потёмкин қишлоқлари» деган учқур ибора бор. Унинг келиб чиқиши Чор Россияси тарихи билан боғлиқ. 1783 йили Қрим расмий равишда империя таркибига қўшиб олингач, императрица Екатерина II янги перифериялар билан танишиш мақсадида мамлакат жанубига йўл олади. Йўл-йўлакай фойтун туйнугидан боқаркан, у ўтлаб юрган зотдор моллар подаси, отлар уюри, пичан ғарамлари ёнига тахланган мўл ҳосил – дон тўла қопларни, далаларда эса кўзларида бахт учқуни чақнаб турган, билаклари куч-ғайратга тўла эркагу аёллар, балалайка садоси остида шодон қийқиришиб рақсга тушаётган ёшларни кўриб қувонади. Табиийки, тўкинлик ва фаровонлик ва фаровонлигини ифодаловчи бу манзара уни завқлантирган...

Бироқ буларнинг барчаси иллюзия – ҳазрати олияларининг кайфиятини чоғ қилиш, қолаверса, хорижлик «дўст»ларнинг ҳайратини ошириш учун ўйлаб топилган найранг эди: қош қорайиб карвон тунаш учун тўхтаган маҳал «шодумонлик картинаси» – уюрдаги отлар, мол-ҳолу дон ўрнига қум билан тўлдирилган қоплар ва меҳнат қилаётган башанг кийимли «қишлоқ одамлари» усталик билан янги манзиллар бўйлаб «жойлаштириларди»...

Бу ажабтовур ҳангоманинг муаллифи эса князь Г. Потёмкин эди... Шубҳасиз, буни сафарда подшога ҳамроҳлик қилган зийрак элчилар сезишган. Ва айни ҳодиса «Потёмкин қишлоқлари» атамасининг пайдо бўлишига, унинг сохта фароғатчилик, кўзбўямачиликни устамонлик билан ифодаловчи бадиий восита – метафорик образга айланишига туртки берган. Албатта, гап ҳозир бу воқеа бўлган ё бўлмаганида эмас, балки ушбу қочирим орадан уч юз йилга яқин вақт ўтиб ҳам ўз константа – асл қиймати ва бадиий ифода кўламини йўқотмай қолаётганида.

Характерига кўра, ўта элитар бўлган ушбу киноя бугун ҳам халқаро сиёсий доираларда жуда кенг ва фаол қўлланилаётган экан, демак, бу тажриба мудом «истеъмол»дан чиқмаган. Бунга бир мисолни собиқ иттифоқ йиллари кечган ҳаётимиздан келтирдим. Бироқ сиёсий қадриятлар анча яшовчан бўлади, деганларидек, эски замондаги «иллюзияга ишқибозлик» истиқлолдан кейинги даврга ҳам кўчиб ўтди. Катта йўллар, айниқса, меҳмонларнинг кўзи тушиши мумкин бўлган кенгликлар бир хил тусдаги «типовой лойиҳа»ларга тўлдирилди ва бу «изчил ислоҳот» янги ҳаёт тарзи сифатида жамиятга тақдим этилди. Бундан ташқари, биз кенг ва яйдоқ далалар бағрида икки-уч қаватли ўқув бинолари, врачлик пунктлари, маданият масканлари қад кўтаришига ҳам ҳайрон бўлмай қолдик. Чунки 10-20 чақирим атрофда одам яшамайдиган бундай масканлар меҳмонлар ўтадиган катта трассалардан жуда равшан кўзга ташланиб туришини яхши англардик...

Майли, қочириқ ўз йўлига. Бироқ реал факт шу эдики, бу ишлар худди яранинг устини дока билан бекитишдек бир гап, яъни нари борса, захм кўзни чалғитиб турарди...

Бу борадаги мутлақо шахсий бўлган фикримни очиқ айтаман, айни концепция ўтган давр ижтимоий сиёсатининг ютуғи бўлиши мумкин эди. Чунки ният, йўналиш бор эди. Аммо бизга аён ва ноаён турли сабаблар ушбу дастурни ўтган маъмуриятнинг «ижтимоий-сиёсий витрина»сига айлантириб қўйди.

Ҳозир эса сарлавҳа, аниқроғи, асосий планга чиқарилган сўз – «Инқилоб» ҳақида қисқача гапирмоқчимиз. Зотан, бугун бунга зарурат бор. Бизнинг колониал, постколониал ва деколониал учбурчак ичидаги тафаккур тарзимизни таҳлил қилишда айни терминга «муносабатимиз» ижтимоий ҳодиса сифатида муҳим ўрин тутади.

VIII

Очиқ айтганда, «инқилоб» сўзига бизда узоқ йиллар мухолиф атамадек қаралган. Гарчи расмий тўсиқ бўлмаса-да, айниқса, сиёсий дискурсда бу калима (бир-иккита истисноларни ҳисобга олмаганда) элитар нарратив ва ирод қилинадиган нутқларда деярли учрамасди. Шунингдек, жамоатчилик орасида ҳам уни қўллаш ва ишлатишда ҳадик бор эди. Ва эҳтимолки, айни сабаблар уни ўзининг полисемантик хусусиятини йўқотиб якка маъноли «от»га айланиб қолишига сабабчи бўлди. Масалан, советлар замонида ушбу истилоҳга фақат бир ўринда – «Қизил октябрь»га нисбатан мурожаат қилиш кенг истиқболли саналарди: кўкракни тўлдириб «Буюк Октябрь инқилоби» дейиш совет гражданида нафақат маънавий-мафкуравий етукликни, балки тузумга бўлган садоқатни ҳам англатарди.

Албатта, бу тушунарли. Бироқ орадан вақтлар ўтди, эътиқод ва қарашлар ўзгарди ҳамки «Инқилоб» хоҳ ёзма, хоҳ оғзаки нутқларда бўлсин, фавқулодда «оммалашиб» кетмади, балки истеъмол доираси янада торайиб, ўзининг «тектоник» хусусиятини сақлаб қолди. Бир сўз билан айтганда, мустамлакачилик маданияти ва сиёсий муҳитида «тобланган» бу сўз эркинлик ва мустақиллик замонларига ҳам ўз мероси билан «кўчиб» ўтди. Айниқса, ит эгасини танимай қолган ўтган асрнинг 80-йилларидаги «қайта қуриш ва ошкоралик» ҳамда 90-йиллардаги «миллий турғунлик» замонларида у бадиятли ва ҳукмрон сиёсатга ёт кайфиятли одамлар ишлатадиган бузмакор сўз(тушунча) дек малакаланди...

Бироқ хатолик сўзда эдими ёки бизнинг сиёсий маданиятимиз ва тафаккуримизда?!

Моҳиятан ўта риторик бўлган ушбу савол, юқорида айтганимиздек, жамиятимиз, турмушимиз ва онгимизда бугун кечаётган ўзгаришларга жавоб қидиришга чорлаши билан ҳам ниҳоятда қийматли, деб ўйлайман. Ёпиқ жамият ва биқиқ муҳит нафақат инсонни, балки сўзлар ва туйғуларни ҳам жиловлаган даврларни кўрдик. Мисол учун бугун англаяпмизки, ҳозир муҳокама қилаётганимиз терминнинг ёндоши фақат «Октябрь» ёки «бузғунчилик» эмас экан.

Ўзи умуман, изоҳли луғатларда инқилоб (арабча – ўзгариш) сўзига шундай таъриф берилган: 1. ...жамият ҳаёти ва унинг соҳаларида бўладиган ўзгариш, тубдан ўзгариш. 2. Бир ижтимоий тузумни бошқаси билан алмаштириш орқали бўладиган ўзгариш; тўнтариш...

Биз узоқ вақт мобайнида ушбу таснифнинг фақат иккинчисини қабул қилдик. Биринчи тушунчага таяниб яшаш, ҳаётимизни шу маслак атрофида барпо қилишга сиёсий иродамиз ҳам, куч-қудратимиз ҳам етмади, менимча. Масалан, «Янги уй қурмай эскисини бузма» деганга ўхшаш шиорлар, (шиорлар бизда алоҳида тадқиқ этишга арзийдиган мавзу) сизнингча, нимага ишора қилар эди?! Ҳа, у тизимни ўзгартирмай, эскилигича сақлаб қолишни назарда тутарди. Бундай шароитда, албатта, ҳар қандай инқилоб ҳақида гапириш нафақат ёқимсиз, балки фавқулодда хавфли эди. Чунки қалбимиздаги «қурмай туриб бузмаслик» истаги ўта скепсис – шубҳали эканини ўзимиз ҳам сезиб турардик.

Фавқулодда бу англов эса унинг ортидан яна бошқа гажакдор шиорлар тўқишга бизни мажбурлади. Чунки ичимиздаги шубҳа кенг ёйилиб кетмаслиги, ошкор бўлмаслиги керак эди. Ушбу мулоҳазани оддий мисол билан шарҳлаб берадиган бўлсам, масалан, «...келажаги буюк давлат» деган хитоб билан «Халқимиз бугун бахтли яшаши керак» орасида жуда катта ва ўта нозик тафовут борлигини кўришимиз мумкин.

Хуллас, инқилоб истилоҳининг «озод» этилиши ва кенг истеъмолга киришига эндиликда тарихий зарурат бор. Агар сиз бугун Шавкат Мирзиёев амалга ошираётган буюк ўзгаришларни бундан-да чуқурроқ ифодалаб бера оладиган бошқа бир атама топсангиз, мен бунга розиман. Зотан, мен илгари мумкин бўлмаган, иложи йўқ, деб қаралган имкониятларнинг бирпасда оддий ҳодисага айланиб қолишининг ўзи ҳам қайсидир маънода инқилоб белгиси, деб ўйлайман. Ва яна сўзлар, тушунчалар ва туйғуларга янгича мазмун бахш этиш ҳам бир ИНҚИЛОБДИР! Кечагина ёппасига оғзи тикилган жамиятнинг «тилга кириши» ҳам айни ҳодисанинг ўзгинасидир...

IX

Катта ишларнинг шовқини ҳам, довруғи ҳам ўзига яраша бўлади. Шу маънода гапирадиган бўлсак, бугун ушбу сиёсатни тушунаётганлар ҳам, тушунмасдан ёки жўрттага оёқ тираб талашаётганлар ҳам топилади. Баъзан Шавкат Мирзиёев нима учун пойтахтда бунча кўп уйлар, бу ҳам етмагандай, бутун бир янги шаҳар қуряпти, нега вилоятлар марказларида «Янги Ўзбекистон» массивларини барпо этаётир – бу ён-атрофга ўзини кўрсатиш – сиёсий популизм эмасми, дейдиганлар ҳам йўқ эмас орамизда.

Бундай кишиларни яхши тушунаман ва бундан хафа бўлишнинг кераги ҳам йўқ. Мен, гарчи Президентимиз ҳеч қаерда очиқ-ошкора айтмаган бўлсалар-да, қалбларидаги орзу-истакни жуда яхши биламан. Менинг халқим бу ёруғ дунёда ҳеч кимдан кам эмас, биз жаҳонга маърифат, давлатчилик анъаналарини ўргатган халқмиз ва бундан кейин ҳам сафларнинг бошида бўлишимиз керак, деган улуғ ғоя у кишининг қалбини мудом чўғлантириб туради.

Замонавий уйлар, кўча-ю хиёбонлар бугун нафақат шаҳару қишлоқларимиз кўркини, балки одамларимиз тафаккурини ҳам ўзгартираётганини барчамиз жуда яхши англаб турибмиз. Биргина «Янги Тошкент»нинг қурилиши қанчадан-қанча муаммога ечимлигини, давлатчиликни янги ўзанга солиш, эркин ва озод миллат яратиш йўлидаги инқилобий ҳаракат экани ҳақида ҳали тарих ўз сўзини айтишига ишонаман.

Ўтмишга қарасангиз, улусни бир муштдек жамлаган, давлатини ўз азму шижоати билан қудратли қилган султонлар унча кўп эмас. Улардан ушбу таърифга энг муносибларидан бири Соҳибқирон Темур эди. Умрининг катта қисми от устида ўтган Темур эл маъмурчилиги, яратувчилик борасида нафақат миллий тарихимиз, балки кишилик жамиятида ўчмас из қолдирган жаҳонгирлардан биридир. Бугун инсоният тан оладиган «Темурийлар даври ренессанси» айнан Соҳибқирон порлоқ шахсиятининг меваси эди. Самарқандни «ер юзининг сайқали» қилиш иштиёқи ҳам айнан у кишининг юрагини чўғдек қиздирган ва бу иш учун у ўз пойтахтига жаҳоннинг энг моҳир меъморлари, усталарини жамлаган эди.

Халқимизда «Оққан дарё оқмай қолмас» деган ҳикмат бор. Унинг маъносини барчамиз яхши тушунамиз. Ҳозир Амир Темур шахсияти ҳақида сўзлай туриб, хаёлимда ушбу нақлга маънодош яна бир фикр бош кўтарди: миллатнинг толеидаги чўғ кўмилиши, кўри қайтиши мумкин, аммо ҳеч қачон батамом сўнмайди. Вақт келиб, бу оловни юраги Ватан ва Халқ ишкида ёнадиган ёвқур бир фарзанд келиб, яна алангалатади.

**Бугун нафақат пойтахт, балки мамлакатимизнинг барча гўшаларида олиб борилаётган улкан бунёдкорлик ишларини кўриб одам тарихнинг улуғ мураббий эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Масалан, биргина «Янги Тошкент» орзуси глобал дунёда тан олинган Дубай, Сеул, Цюрих, Копенгаген, Шанхай каби фақатгина постиндустриал ёки «янги урбанистик цивилизация маркази» эмас, балки юзлаб йиллар мустамлакачилик азобларини кўрган, ўзини, ўзлигини деярли йўқотиб қўяёзган Ватанимиз ва Миллатимиз шаъни, ор-номусини оёққа қўйиш, ўтмишда буюк бўлган халқимизнинг шону шуҳратини қайта тиклашга қаратилган жасоратли қадам экани билан ғоятда аҳамиятлидир. Ва Президентимиз Шавкат Мирзиёев қалбидаги айни мардонаворлик, миллатпарварлик ҳамда ватанпарварлик юрагимни чексиз ғурур ва ифтихорга тўлдиради.**

**Биз мудом Сиз биланмиз, Менинг Президентим, дея фахрланамиз.**

*("Янги Ўзбекистон" газетасининг 2026 йил 27 октябрь сонидан олинди)*

# Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг сессияси

**Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашининг еттинчи чақириқ қирқ олтинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияни кенгаш раиси С.Файзиева бошқарди.**

Унда вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, маҳаллий бюджет ижроси, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда қуз-қиш мавсумига тайёргарлик билан боғлиқ қатор масалалар кўриб чиқилди.

Сессия кун тартибига мувофиқ, дастлаб вилоятда криминоген вазиятни яхшилаш, жиноятларнинг барвақт олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасида 2026 йилнинг учинчи чорагида амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят прокурори А.Мирзаевнинг ахбороти ҳамда Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Н.Хуббимовнинг ҳисоботлари эшитилди.

Шунингдек, Тошкент вилояти маҳаллий бюджетининг 2026 йил иккинчи чорагидаги ижроси, вилоят бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағларни йўналтириш масалалари муҳокама қилинди.

Сессияда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари ҳамда уларда қурилган бинолар ва иншоотларга бўлган ҳуқуқларни эътироф этиш билан боғлиқ масала ҳам кўриб чиқилди. Мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар доирасида фуқароларнинг ер участкалари ва уларга бўлган ҳуқуқларини қонунчиликда белгиланган тартибда расмийлаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

Бундан ташқари, ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ерларида қишлоқ ва ўрмон хўжалиги ишлаб чиқариши нобудгарчиликлари учун компенсация тўловларини ҳисоблаш, уларни маҳаллий бюджетга ундириш ҳамда мақсадли сарфлаш юзасидан тегишли дирекция ҳисоботи тингланди.

Кун тартибидаги муҳим масалалардан яна бири вилоятда қуз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати бўлди. Хусусан, иситиш тизимларининг мавсумга тайёрлиги, айниқса, ижтимоий соҳа объектларида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, аҳолига коммунал хизматларнинг узлуксиз кўрсатилишини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва масъул ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Сессия давомида кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан маърузалар тингланиб, депутатлар томонидан муҳокама қилинди. Кўриб чиқилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

# ИМКОНИЯТЛАР, МУАММОЛАР ВА АМАЛИЙ ЕЧИМЛАР



Йиғилишда ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, инвестицияларни жалб этиш ва экспорт ҳажмини ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бу борадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш, уларга манзилли ечим топиш ва белгиланган кўрсаткичларга эришиш мақсадида вилоят даражасидаги масъул раҳбарлар маҳаллаларга бириктирилди.

Бекобод шаҳрида бугунги кунда 107 минг 600 нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. 26 мингдан ортиқ хонадонни бирлаштирган 33 та маҳалла шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим ўрин тутади.

2026 йил январь-сентябрь ойлари якунларига кўра, шаҳарда ишсизлик даражаси 4,2 фоизни ёки 1 минг 873 нафарни, камбағаллик даражаси эса 3,6 фоизни ташкил этган. Хусусан, 999 та оилада 3 минг 880 нафар аҳоли камбағаллик тоифасида қайд этилган. Шунингдек, шу даврда 149 та жиноят содир этилган бўлиб, уларнинг 33 таси ёшлар, 8 таси хотин-қизлар ҳиссасига тўғри келади. Давлат идораларига жами 2 минг 380 та мурожаат келиб тушган, такрорий мурожаатлар улуши 9,1 фоизни ташкил этган.

Ушбу рақамлар ортида инсон тақдири, оилаларнинг турмуш шароити ва ҳал этилиши кутилаётган муаммолар тургани таъкидланди. Шу боис ҳар бир кўрсаткични шунчаки ҳисобот сифатида эмас, балки аниқ чора-тадбирлар ва амалий натижалар учун асос сифатида қабул қилиш зарурлиги қайд этилди.

Муҳокамалар давомида куз-қиш мавсумига тайёргарлик, дебитор қарздорликни бартараф этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда «Янги Ўзбекистон қиёфасидаги ҳудудлар» йўналишида олиб борилаётган ишлар ҳам таҳлил қилинди. Ижтимоий соҳа объектларининг қишга тайёрлиги, таълим масканларида иситиш тизимлари ва зарур инфратузилманинг ҳолати, тиббиёт муассасаларининг мавсумга шайлиги ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифати юзасидан масъулларга тегишли кўрсатмалар берилди.

Айниқса, маҳаллалар фаолияти таҳлили айрим ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ҳануз қониқарсизлигини кўрсатди. Рейтингнинг қуйи поғоналаридан жой олган «Тинчлик», «Бирдамлик», «Туркистон», «Ёшлик» ва «Янги ҳаёт» маҳаллаларида аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш ва инфратузилмани яхшилаш бўйича ишларни аниқ ҳисоб-китоб, пухта режа ва амалий ечимлар асосида иш олиб бориш талаб этилди. Зеро, белгиланган вазифалар ижроси ва эришиладиган натижалар учун ҳар бир раҳбар шахсан масъулдир.

Бекоботдаги учрашувлар фақат иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар таҳлили билан чекланиб қолмади. Шаҳар Ёшлар марказида вилоят ҳокимининг ўринбосарлари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, банк-молия муассасалари, бошқарма ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этиб, ёшларнинг муаммолари, орзу-интилишлари ва келажак режалари билан яқиндан танишдилар.

Самимий ва дўстона руҳда кечган мулоқотда, айниқса, оғир ижтимоий шароитда яшаётган, вақтинча ишсиз бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб иш ўринлари топиш ва ўз қобилиятини намоён этиши учун зарур шароит яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув давомида бекободлик 30 нафарга яқин ёшнинг таълим олиш ва бандлик билан боғлиқ мурожаатлари тингланди.

Эътиборлиси, ҳар бир мурожаатга умумий ёндашув эмас, балки ёшларнинг маълумоти, касбий салоҳияти, қизиқиш ва истакларидан келиб чиққан ҳолда индивидуал тарзда муносабат билдирилди.

Натижада ёшларнинг аксарияти тегишли ташкилотлар ҳамда уларнинг ҳудудий бўлимларига ишга жойлаштирилди. Бир гуруҳ ёшлар эса касб-ҳунар ўрганиш ва ҳарбий хизматга йўналтирилди.

Аслида, бундай учрашувларнинг аҳамияти фақат мурожаатларни қабул қилиш ёки ишга жойлаштириш билан белгиланмайди. Энг муҳими, ёшлар ўз муаммоси билан ёлғиз эмаслигини ҳис этади, уларнинг ташаббуси ва интилишларига эътибор қаратилаётганини кўради. Бу эса эртанги кунга ишончни мустаҳкамлайди.

Учрашувнинг расмий қисми якунланганидан сўнг мулоқот янада кўтаринки руҳда давом этди. Гулхан атрофида ташкил этилган маданий тадбир ёшларга қувонч, самимий суҳбат ва унутилмас таассуротлар улашди.

Вилоят раҳбари таъкидлаганидек, ёшлар билан мулоқот – бу фақат муаммоларни тинглаш эмас, балки уларнинг қалбига ишонч бағишлаш, орзуларига қанот бериш, келажакка дадил қадам ташлаши учун имконият яратишдир.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Вилоят ҳокимининг таклифига кўра, вилоятдан келган турли даражадаги раҳбарлар шаҳарда қолиб, эртаси кунидан белгиланган вазифалар ижроси, айниқса, ёшлар муаммоларини ўрганиш ва уларни ҳал этиш билан бевосита шуғулланишлари белгиланди.

Демак, бу галги ташрифнинг бош мақсади ҳам аниқ: муаммони эшитиш билан чекланмасдан, унинг ечимини топиш, берилган ваъдани қоғозда қолдирмасдан, амалий натижага айлантириш. Зеро, ҳудуд тараққиёти, аввало, инсон қадри, унинг меҳнати, бандлиги ва эртанги кунга бўлган ишончи билан ўлчанади.

**Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати**

▼ Конференция

**Сўзнинг қадри, ахборотнинг ишончлилиги, журналистнинг масъулияти – жамият ҳаётида ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайдиган тушунчалар. Замон ўзгаради, ахборот узатиш воситалари янгиланади, рақамли технологиялар ҳаётимизнинг барча жабҳаларига чуқур кириб боради. Аммо одамларни ҳаққоний маълумот билан таъминлаш, муҳим воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англатиш ва жамоатчилик билан самарали мулоқот ўрнатишдек эзгу вазифа журналистика зиммасида ҳамиша қолаверади.**

# Миллий журналистика: ЎТМИШ, БУГУН ВА КЕЛАЖАК



Тошкент шаҳрида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ташкил этилганининг 35 йиллиги муносабати билан ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция ана шу ҳақиқатни яна бир бор намоён этди. ««Халқ сўзи» ва «Народное слово» феномени: миллий журналистикада институционал куч ва профессионал мезонлар мактаби» деб номланган анжуман ўттиз беш йиллик фаолият сарҳисоби билангина чекланмай, миллий матбуотнинг бугунги вазифалари, замонавий медиа муҳитидаги ўрни ва истиқболларини муҳокама этиш учун ҳам муҳим мулоқот майдони бўлди.

Конференция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Оммавий ахборот воситалари учун контент тайёрлаш маркази ҳамда Халқаро Нордик университети ҳамкорлигида ташкил этилди.

Унда сенаторлар, депутатлар, давлат бошқарув органлари ва расмий доиралар вакиллари, журналистлар, медиа соҳаси мутахассислари, олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, илмий-тадқиқот институтлари ходимлари, мустақил тадқиқотчилар, докторантлар, сиёсатшунослар ҳамда иқтисодчилар иштирок этди.

1991 йил 1 январдан мунтазам чоп этила бошлаган «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари мустақил Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий ва маънавий ҳаётини ёритиб келаётган нуфузли расмий ахборот манбаларидир.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган, миллий давлатчилик асослари шаклланаётган мураккаб тарихий даврда дунёга келган ушбу нашрлар йиллар давомида юртимиздаги муҳим воқеа-ҳодисалар, ислоҳотлар ва ижтимоий ўзгаришларни ёритиб келди. Қонунчиликдаги янгиликларни кенг жамоатчиликка етказиш, давлат ва жамият ҳаётидаги жараёнларни шарҳлаш, қабул қилинаётган қарорларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришда уларнинг ўзига хос ўрни шаклланди.

Бу газеталарнинг ўттиз беш йиллик фаолиятига назар ташлар эканмиз, матбуот тарихини фақат чоп этилган сонлар, мақолалар ёки саҳифалар билан ўлчаб бўлмаслигини англаймиз. Зеро, газета – даврнинг ёзма хотираси, жамият ҳаётининг ўзига хос солномаси, фикр ва қарашлар учрашадиган минбар ҳамдир.

Шу маънода, «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг юбилейи миллий журналистиканинг босиб ўтган йўлини таҳлил қилиш, тўпланган тажрибани умумлаштириш ва келажак олдидаги вазифаларни белгилаш нуқтаи назаридан алоҳида аҳамият касб этади.

Бугун ахборот макони шиддат билан ўзгармоқда. Интернет нашрлари, ижтимоий тармоқлар ва рақамли платформалар хабарни бир зумда миллионлаб одамларга етказиш имконини бермоқда. Сунъий интеллект эса маълумотни излаш, таҳлил қилиш ва матн тайёрлаш жараёнларига тобора кенг татбиқ этилмоқда.

Бундай шароитда табиий бир савол туғилади: ахборот оқими шу қадар тезлашган замонда анъанавий матбуотнинг ўрни қандай бўлади?



Конференция кун тартибига киритилган масалалар айнан шу саволга жавоб излашга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, тезкорлик ахборот тарқатишнинг муҳим шарти бўлса-да, унинг ишончлилиги, холислиги ва чуқур таҳлилга асосланган журналистика қадрини белгилайди. Хабарни биринчи бўлиб етказиш муҳим, аммо уни тўғри текшириш, воқеанинг моҳиятини англаш ва ўқувчига тушунарли тарзда тақдим этиш ҳам шунчалик зарур.

Газетанинг куч-қудрати ҳам айнан шунда – шов-шув ортидан қувиш эмас, балки далилларга таяниш, воқеликка холис ёндашиш ва сўз масъулиятини ҳис этишда намоён бўлади. Шу боис анъанавий матбуотнинг рақамли муҳит билан уйғунлашуви, босма ва интернет нашрлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, замонавий технологиялардан самарали фойдаланиш билан бирга журналистиканинг асосий касбий тамойилларини сақлаб қолиш бугунги куннинг муҳим талабларидан ҳисобланади.

Анжуман доирасида миллий журналистика тизимида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг институционал ўрни ва тарихий миссияси, парламент журналистикасининг тараққиёт босқичлари, қонун ижодкорлиги жараёнларини ёритиш тажрибаси ҳамда жамоатчилик билан мулоқот механизмлари каби масалалар атрофлича таҳлил қилинди.

Шунингдек, таҳририят фаолиятида профессионал стандартларга риоя этиш, журналистик этика, холислик ва ахборот учун масъулият, давлат ва жамият ҳаётидаги ислоҳотларни ёритишда таҳлилий журналистиканинг аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Буларнинг барчаси бир-бири билан узвий боғлиқ. Чунки журналистнинг касбий маҳорати фақат чиройли жумлалар тузиш ёки воқеаларни таъсирчан баён этиш билан чекланмайди. Унинг асл салоҳияти мураккаб масалаларни теран англаш, далилларни синчиклаб текшириш, турли нуқтаи назарларни холис акс эттириш ва ўқувчини мушоҳадага чорлашда намоён бўлади.

Журналистикада ишонч бир кунда шаклланмайди. У йиллар давомида тўпланган тажриба, масъулиятли меҳнат, сўзга эҳтиётқор муносабат ва ўқувчи олдидаги бурчни англаш орқали қарор топади.

Шу нуқтаи назардан, профессионал мезонлар мактабини ривожлантириш, тажрибали қаламкашлар сабоғини ёш авлодга етказиш, «Устоз – шогирд» анъаналарини давом эттириш масалалари ҳам анжуманнинг муҳим йўналишларидан бўлди.

Бугун журналистика олдида турган яна бир долзарб вазифа – янги технологиялар имкониятларидан фойдаланган ҳолда касбнинг инсонга хос жиҳатларини асраб қолишдир.

Сунъий интеллект маълумотларни тезкор қайта ишлаш, матнларни таҳлил қилиш ва айрим техник жараёнларни енгиллаштиришга ёрдам бериши мумкин. Бироқ ахборотнинг жамият учун аҳамиятини теран англаш, инсон тақдирига дахлдор воқеаларга масъулият билан ёндашиш, турли манбаларни қиёслаш ва маънавий-ахлоқий мезонлар асосида хулоса чиқариш журналистдан юксак билим ва тажриба талаб қилади.

Конференцияда рақамли медиа муҳитида ахборот ишончлилиги, медиа саводхонлик, журналист касбининг ўзгариши ва замонавий кадрлар тайёрлаш масалаларининг муҳокама этилиши бежиз эмас. Чунки келажак журналисти нафақат янги технологияларни ўзлаштирган мутахассис, балки мустақил фикрлайдиган, ахборотни танқидий баҳолайдиган ва касбий масъулиятини чуқур ҳис этадиган шахс бўлиши керак.

Бу борада олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот марказлари ва таҳририятлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, назарий билимларни амалий тажриба билан бойитиш, ёш мутахассисларнинг касбий маҳоратини ошириш муҳим аҳамият касб этади.

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарининг 35 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция миллий журналистиканинг ўтмиши, бугуни ва келажаги ўзаро боғлиқ эканини яна бир бор эслатди.

Тарихий тажрибага таяниш – кечаги усулларни ўзгаришсиз такрорлаш дегани эмас. Аксинча, йиллар давомида шаклланган касбий қадриятларни асраб, уларни замон талаблари билан уйғунлаштириш демакдир. Босма нашрлар, интернет журналистикаси ва ижтимоий тармоқлар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, янги авлод журналистларини тайёрлаш, таҳлилий материаллар сифатини ошириш ва ўқувчи ишончини мустаҳкамлаш ана шу йўлнинг муҳим шартларидир.

Шу куни Ўзбекистон касаба уюшмалари саройида «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари ташкил топганининг 35 йиллигига бағишланган тантанали бадиий кеча ҳам ўтказилди. Ушбу тадбир юбилей муносабатига бағишланган анжуманларга байрамона руҳ бағишлаб, икки нашрнинг босиб ўтган йўли ва жамоалар меҳнатига эҳтиром ифодаси бўлди.

**Энг муҳими, бундай учрашувлар журналистикага фақат ахборот етказиш воситаси сифатида эмас, балки жамиятнинг маънавий ҳаёти, ижтимоий мулоқоти ва тафаккури билан чамбарчас боғлиқ касб сифатида қараш зарурлигини кўрсатади.**

**Зеро, даврлар алмашади, технологиялар янгиланади, ахборот тарқатиш шакллари ўзгаради. Аммо ҳақиқатга интилиш, сўзга садоқат ва ўқувчи ишончини оқлаш каби қадриятлар ўз аҳамиятини йўқотмайди. Миллий журналистиканинг бугуни ҳам, эртаси ҳам, аввало, ана шу эзгу тамойилларга қанчалик содиқ қолишига боғлиқ.**

**Ўз мухбиримиз**

▼ Бизнинг шарҳ

**Болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсиз муҳитда камол топишини таъминлаш давлат ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Айниқса, болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, бундай қилмиш содир этган шахсларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш ҳамда жабрланган болаларнинг ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш бу борадаги ислоҳотларнинг устувор йўналиши ҳисобланади.**

# БОЛАЛАР ҲУҚУҚЛАРИ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯДА

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасида болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунчилик чоралари изчил амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни Қонунчилик палатаси томонидан жорий йил 30 сентябрда қабул қилиниб, Сенат томонидан 2 октябрда маъқулланди.

Мазкур Қонун болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш, зўравонликдан жабрланган вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш, жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда масъул шахсларнинг жавобгарлигини кучайтиришга қаратилган.

Амалиётда вояга етмаганлар иштирокидаги процессуал ҳаракатлар давомида уларнинг ҳуқуқий ва психологик хавфсизлигини таъминлаш, болалар ҳаёти ва соғлиғига қарши қаратилган жиноятлар учун жазо чораларини кучайтириш, шунингдек, зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш механизмларини такомиллаштириш зарурати мавжуд эди. Янги Қонун ана шу масалаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Қонун билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришлар болаларга нисбатан оғир жиноятлар содир этган шахсларга нисбатан жазо чораларини кучайтиришни назарда тутади. Жумладан, Кодекснинг 50- ва 51-моддаларига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, 14 ёшга тўлмаган шахснинг номусига тегиш ҳамда унга нисбатан зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ айрим жиноятлар узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган оғир тоифадаги жиноятлар қаторига киритилди.

Шу билан бирга, боланинг ўлимига сабаб бўлган қасддан содир этилган жиноятлар учун жазони енгиллаштиришга доир айрим қоидаларни қўллаш чекланмоқда. Хусусан, бундай жиноятлар учун жазо муддатини айрим тоифадаги шахсларга нисбатан чеклаш қоидаси татбиқ этилмаслиги, шартли ҳукм қилиш ҳамда жазодан муддатидан илгари шартли озод қилиш қўлланилмаслиги белгиланган.



Жиноят кодексининг 104- ва 105-моддаларига киритилган ўзгартиришлар ҳам болаларни ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, вояга етмаган шахсга нисбатан қасддан баданга оғир ёки ўртача оғир шикаст етказиш жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган. Шунингдек, вояга етмаганга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатларнинг бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилиши учун жавобгарликни назарда тутувчи қўшимча норма киритилган.

Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш фақат жиноий жазони кучайтириш билан чекланмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар ҳам зўравонликдан жабрланган ёки жиноятга гувоҳ бўлган вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга қаратилган.

Жумладан, Жиноят-процессуал кодексининг 55- ва 66-моддаларига киритилган қўшимчаларга мувофиқ, жинсий зўравонликка оид жиноят ишларида вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларга тегишли процессуал ҳаракатларда иштирок этиш бошланган пайтдан эътиборан давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатувчи адвокатнинг иштироки таъминланади.

Агар жиноят иши бўйича вояга етмаган шахсга нисбатан унинг яқин қариндошлари, жумладан, ота-онаси, фарзандликка олувчиси, васийси ёки ҳомийси томонидан зўравонлик содир этилган бўлса, суриштирув, дастлабки тергов ва суд муҳокамаси жараёнида васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштироки шарт этиб белгиланган. Бу боланинг манфаатларини ҳимоя қилишда холис ёндашувни таъминлашга хизмат қилади.

Бундан ташқари, жинсий зўравонликка оид жиноят ишларида вояга етмаган жабрланувчи ва гувоҳларни гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи билан юзлаштириш фақат асослантирилган ҳолларда, ваколатли мансабдор шахснинг қарори ёки суд ажрими асосида амалга оширилиши белгиланган. Мазкур тартиб болаларга нисбатан эҳтимолий руҳий босимнинг олдини олиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Қонунда ота-оналар ва бола тарбияси учун масъул шахсларнинг мажбуриятларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 47-моддаси янги таҳрирда баён этилиб, унда болани тарбиялаш мажбуриятларини бажармаслик ва унга ғамхўрлик кўрсатмаслик учун жавобгарлик белгиланган.

Хусусан, ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар зарур имкониятларга эга бўла туриб, боланинг асосий эҳтиёжларини қасддан қондирмаса ва бу ҳолат унинг соғлиғи, жисмоний, ақлий ёки ахлоқий ривожланишига салбий таъсир кўрсатса, уларга нисбатан базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача жарима қўлланилиши назарда тутилган. Бу норма болага нисбатан бепарволикнинг олдини олиш ва унинг муносиб шароитда улғайишини таъминлашга хизмат қилади.

Болаларнинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш ҳам Қонуннинг муҳим йўналишларидан биридир. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган янги 189³-модда болалар ўртасида тарқатилиши тақиқланган ахборот маҳсулотини тайёрлаш, тақдим этиш ва тарқатиш учун жавобгарликни белгилайди. Бундай маҳсулотларни сотиш, ижарага бериш, оммавий намойиш этиш ёки интернет тармоғига жойлаштириш каби ҳаракатлар учун ҳам жарима қўллаш ва ахборот маҳсулотини мусодара қилиш назарда тутилган. Жарима фуқаролар учун базавий ҳисоблаш миқдорининг етти бараварини, мансабдор шахслар учун эса эллик бараварини ташкил этади.

Шунингдек, болалар масалалари бўйича комиссиялар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида уларнинг қарорларини бажармаслик ёки қарорлар ижросига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бу комиссиялар томонидан қабул қилинаётган қарорларнинг амалий натижадорлигини оширишга қаратилган. Қонунчиликдаги яна бир муҳим янгилик Меҳнат кодексига киритилган ўзгартириш билан боғлиқ. Унга мувофиқ, болани тарбиялаш ва унга таълим бериш мажбурияти юклатилган таълим ташкилоти ходимининг болага нисбатан зўравонлик содир этганлик учун жавобгарликка тортилиши меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун қўшимча асос сифатида белгиланган. Бу таълим муассасаларида болаларнинг хавфсизлигини таъминлаш ва уларга нисбатан зўравонлик ҳолатларига муросасиз муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман олганда, мазкур Қонун болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш, жабрланган болаларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш ва профилактика механизмларини такомиллаштиришга қаратилган. Ушбу нормаларнинг амалиётда самарали қўлланилиши эса болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсиз муҳитда таълим олиши ва камол топиши учун муҳим шарт-шароит яратади.

**Шерзод ШОДМОНОВ,**
**ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти Тергов бошқармаси ЎМИБ терговчиси**

▼ Матбуот анжумани



# МАҚСАДИМИЗ – АДОЛАТЛИ РАҚОБАТ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

**Вилоятимизда рақобат муҳитини ривожлантириш, тадбиркорлик субъектлари ўртасида тенг шароитларни таъминлаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида жорий йилнинг тўққиз ойи давомида ҳудуд бўйича бажарилган ишлар ҳақида маълумот берилди.**

Хусусан, ўтган даврда жисмоний ва юридик шахслардан жами 3 минг 577 та мурожаат келиб тушди. Уларнинг 91 фоизи қаноатлантирилди, қолганлари бўйича тушунтириш берилди, айримлари ўрганилмоқда. Шу мақсадда туман ва шаҳарларда сайёр қабуллар ташкил этилди. Бундай учрашувлар аҳоли мурожаатларини бевосита эшитиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш чораларини белгилашга хизмат қилмоқда. Зеро, рақобат муҳитини ҳимоялаш, бозорларда тенг шароитларни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш ҳудудий бошқарманинг муҳим йўналишларидан биридир.

Жараёнда биржа савдолари бўйича 55 та корхона томонидан юқори ликвидли маҳсулотларни савдога қўйиш ва сотиш жараёнлари кунлик назоратга олинди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 7 та иш қўзғатилиб, улар асосида 2 миллиард 367 миллион сўм миқдорида молиявий санкция белгиланди. Шунингдек, 22 та товар ва хизматлар бозорида ўрганиш ҳамда таҳлиллар ўтказилиб, уларнинг натижалари бўйича таклифлар Қўмитага киритилди. Давлат харидлари соҳасида ҳам назорат тадбирлари олиб борилди. Унда бошланғич нархи 2 миллиард сўмдан зиёд 1 минг 26 та давлат хариди ўрганилди. Қонунчилик талаблари бузилиши билан боғлиқ 618 та харид юзасидан жами 69 та иш қўзғатилди. Ушбу ишлар доирасида 47 та маъмурий жавобгарлик чораси қўлланилди.

Шунингдек, 15 та ҳолат бўйича қарийб 11,3 миллиард сўм молиявий санкция белгиланди. Танлов савдоларини бекор қилиш чораларини кўриш юзасидан 9 та ҳолатда ёзма кўрсатмалар берилди. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўналишидаги ўрганишлар, таҳлиллар ва мурожаатларни кўриб чиқиш натижасида шу йилнинг тўққиз ойида жами 10 миллиард 970 миллион сўмдан ортиқ маблағ истеъмолчилар фойдасига қайта ҳисоб-китоб қилинди. Бу орқали 190 минг 674 нафар истеъмолчининг ҳуқуқлари тикланди.

Уй-жой фондига хизмат кўрсатувчи бошқарув сервис компаниялари фаолиятини ўрганиш ҳам аҳоли манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутди. Ўрганишлар давомида ноўрин ҳисобланган бадаллар ва бошқа тўловларни қайта ҳисоб-китоб қилиш, хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини барқарорлаштириш ҳамда уларнинг молиявий ҳолатини мустаҳкамлашга қаратилган ишлар амалга оширилди. Натижада 7,4 миллиард сўм асоссиз ҳисобланган маблағ аниқланиб, қайта ҳисоб-китоб қилинди ва аҳоли қарздорлигидан чиқарилди. Бу орқали 46 мингдан ортиқ истеъмолчининг ҳуқуқларини тиклашга эришилди.

– Маҳсулотларнинг сифати ва хавфсизлигини таъминлаш, истеъмолчиларни яроқлилик муддати ўтган товарлардан ҳимоя қилиш мақсадида ҳам назорат тадбирлари ўтказилди, – дейди Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Жўрабек Исмоилов. – Жараёнда гигиеник воситалар, болалар ўйинчоқлари, ёқилғи-мойлаш материаллари, газли ичимликлар, дудланган ва ярим дудланган колбасалар, чипслар, крекерлар, ун, дуккакли ҳамда бошқа маҳсулотларнинг жами 83 тури бўйича назорат харидлари амалга оширилди.

Истеъмолчилар мурожаатлари асосида ўтказилган ўрганишлар давомида гўшт ва гўшт маҳсулотлари, сут маҳсулотлари, ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, яхна ичимликлар ва бошқа товарларнинг 30 дан ортиқ турида яроқлилик муддати ўтгани аниқланди. Ушбу ҳолатлар юзасидан 13 та маъмурий баённома расмийлаштирилиб, тегишли судларга юборилди. Ташқи реклама воситаларини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ҳолатларининг олдини олиш ва уларни ҳужжатлаштириш мақсадида тадбиркорлик субъектларига огоҳлантириш хатлари берилди.

Шунингдек, ижтимоий тармоқлардаги рекламалар ҳам ўрганилди. Унга кўра, айрим профил эгалари интернет саҳифаларда миллий ва оилавий анъаналарга, ахлоқ ва маънавиятнинг умумэътироф этилган нормаларига зид бўлган шакллар, иборалар ва образлардан фойдаланиш ҳолатлари юзасидан маъмурий баённомалар расмийлаштирилди. Умуман, ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар рақобат қонунчилигига риоя этилишини таъминлаш, истеъмолчиларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бозорларда адолатли рақобат муҳитини шакллантириш ва асоссиз молиявий ҳисоб-китобларни бартараф этишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бу борада назорат ва таҳлил тадбирларини изчил давом эттириш, аҳоли мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиш ҳамда аниқланган қонунбузилишларга нисбатан тегишли чоралар кўриш муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

**Нигора ЎРОЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири**

▼ Эълонлар


## «BANYAN» МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2026 йил 1 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очиқ аукцион савдосига «G'ulommaxmud Baraka Agrofirmasi» масъулияти чекланган жамияти томонидан 2026 йил 27 октябрдаги №21-сонли буюртманомасига асосан Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Авлиёота М.Ф.Й., Карвон йўли кўчаси, 1-уй манзилида умумий 5800 кв.м. ер майдонида жойлашган қуйидаги бино ва иншоотлар қўйилмоқда: 1. Икки қаватли идора биноси қурилиш ости майдони 233,76 кв.м., умумий майдони 865,44 кв.м., умумий фойдали майдони 727,52 кв.м. 2. Бостирма қурилиш ости майдони 5,27 кв.м., умумий майдони 5,27 кв.м. 3. Бостирма қурилиш ости майдони 6,25 кв.м., умумий майдони 6,25 кв.м. 4. Савдо нуқтаси қурилиш ости майдони 36,36 кв.м., умумий майдони 36,36 кв.м., умумий фойдали майдони 29,44 кв.м. Умумий бошланғич баҳоси – 2 450 000 000 сўм.

Юқоридаги кўчмас мулклар 2026 йил 1 декабрь куни соат 11.00 да сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2026 йил 16 декабрь ҳамда 2027 йил 5, 20 январь кунлари бўлиб ўтади.

Юқоридаги кўчмас мулклар билан буюртмачи ташкилот вакиллари иштирокида бевосита манзилга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишув шартномасига асосан кўчмас мулк умумий бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пули тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат билан бирга қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари шарт:

– юридик шахслар – давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда;

– жисмоний шахслар – паспорт нусхаси, ваколатли вакил қатнашган тақдирда, ваколатли вакил учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда.

Аукцион савдосида иштирок этувчи талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари (шанба, якшанба ва байрам кунларидан ташқари) соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо ўтказиладиган кундан бир иш куни олдин соат 16.00 да тўхтатилади. Савдо ғолибига аукцион савдоси натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини имзолаш мажбурияти юклатилади. Кўчмас мулклар учун тўловларни амалга ошириш муддати олди-сотди шартномасида сотувчи томонидан белгиланади.

Закалат пулини тўлаш учун реквизитлар: «BANYAN» МЧЖ. АТ "Xalqbank" Тошкент шаҳар филиали амалиёт бўлими, х/р: 20208000300757166001, МФО: 01125, СТИР: 304 802 952.

Ариза қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Паркент кўчаси, 51-уй.

Савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Авлиёота М.Ф.Й., Карвон йўли кўчаси, 1-уй.

Телефон: +998-71-207-25-53.

**Лицензия RR – 0298.**

## ĞALLA YETIŞTIRUVÇI FERMERLAR VA QIŞLOQ XÖJALIGI KORXONALARI DIQQATIGA!

**Özbekiston Respublikasi Prezidentining 2025-yil 7-iyuldagi PF-109-son Farmoni talablariga muvofiq, 2026-yil 1-yanvardan boşlab raqamli QR-kodli yorliq bilan belgilanmagan hamda ijobiy ekinboplik xulosasi olinmagan qişloq xöjaligi ekinlari uruğliklarini realizatsiya qiliş va ekişga yöl qöyilmaydi.**

Şuningdek, Vazirlar Mahkamasining 2026-yil 11-iyundagi tegişli qaroriga asosan, buğdoy yetiştiruvçilar tomonidan:

*** respublika hududida ekişga tavsiya etilmagan buğdoy navlaridan;**
*** sifatsiz tayyorlangan uruğlardan;**
*** dorilanmagan uruğlardan foydalaniş holatlari aniqlangan taqdirda, uşbu xöjaliklarga 2027-yil hosili uçun imtiyozli kreditlar ajratilişi, şuningdek, yetiştirilgan hosilni davlat resurslariga sotiş taqiqlanadi.**

Şu munosabat bilan barça ğalla yetiştiruvçi fermer xöjaliklari va qişloq xöjaligi korxonalaridan uruğlik tanlaşda belgilangan talab va me'yorlarga qat'iy rioya qiliş söraladi.


"Тошкент ҳақиқати" ва "Ташкентская правда" газеталари таҳририяти "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими бошқаруви раиси, таҳрир ҳайъати аъзоси Абдусамад Носировга опаси

**САЛИМА аянинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.



# "ЯШИЛ МАКОН"

## МАҲАЛЛАДАН БОШЛАНАДИ

**▼ Ташаббус**

**Обод ва соғлом атроф-муҳит яратиш ҳар бир хонадон, ҳар бир маҳалладан бошланади. Бунинг учун эса кўчат экишнинг ўзи кифоя эмас, уни парваришлаш, дарахтларни асраш ва яшил ҳудудларни кўпайтиришга барчамиз бирдек масъулмиз.**



Бугун экологик муаммоларнинг олдини олиш, ҳаво мусаффолигини таъминлаш, аҳоли учун қулай ва соғлом муҳит яратиш долзарб вазифалардан бирига айланди. Бу борада мамлакатимизда амалга оширилаётган «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ҳудудларни кўкаламзорлаштириш нафақат бугунги кун, балки келажак авлодлар саломатлиги ва фаровонлиги учун ҳам зарурдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2026 йил 23 сентябрдаги «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасини амалга оширишда маҳаллалар ролини кучайтириш ва ҳудудларнинг яшиллик даражасини тубдан оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазкур йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқишни кўзда тутади. Ҳужжатда кўкаламзорлаштириш ишларини тизимли ташкил этиш, мавжуд дарахтларни муҳофаза қилиш, экилган кўчатларнинг яшовчанлигини ошириш ҳамда бу жараёнга аҳоли, тадбиркорлар ва жамоатчиликни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилган.

Аҳамиятлиси, эндиликда яшил ҳудудларни кўпайтиришда маҳаллаларнинг ўрни янада мустаҳкамланади. Фармонга мувофиқ, 2027 йил 1 январдан бошлаб «Яшил маҳалла» лойиҳаси доирасида «Маҳаллани яшиллаштириш пакети» жорий этилади. Шунингдек, маҳаллаларга Ўрмон хўжалиги агентлиги томонидан ўрмончи-мураббийлар бириктирилади. Улар ҳар бир экиш мавсуми олдидан «маҳалла еттилиги» аъзоларининг билим ва кўникмаларини оширишга кўмаклашади.

Бу янгиликларнинг аҳамияти шундаки, кўчат экиш ишлари фақат муайян мавсумда ўтказиладиган тадбир бўлиб қолмайди. Аксинча, ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитига мос кўчат танлаш, уни тўғри экиш, суғориш ва парваришлашга асосланган изчил тизим шаклланади. Чунки кўкаламзорлаштиришнинг самараси экилган кўчатлар сони билангина эмас, балки уларнинг тутиб кетиши, ўсиб-улғайиши ва узоқ йиллар давомида соя-салқин бериши билан белгиланади.

Айни пайтда мавжуд дарахтларни асраб-авайлаш ҳам янги кўчатлар экишдек муҳим. Дарахтларнинг ноқонуний кесилишига йўл қўймаслик, уларни зарарланишдан ҳимоя қилиш, суғориш ва парваришлаш ишларини мунтазам йўлга қўйиш экологик барқарорликнинг муҳим шартларидандир. Бунинг учун маҳаллаларда аҳолининг экологик маданиятини юксалтириш, айниқса, ёшларда табиатга эҳтиёткорона муносабатни шакллантириш лозим.

Албатта, бундай эзгу ишларни фақат масъул ташкилотлар зиммасига юклаб қўйиб бўлмайди. Ҳар бир хонадон ўз ҳовлисидаги дарахтга ғамхўрлик қилса, ҳар бир маҳалла ўз ҳудудидаги яшил майдонларни асраса, кўчалар ва жамоат жойларидаги кўчатлар парваришига бефарқ бўлинмаса, умумий натижа ҳам шунчалик самарали бўлади. Бунда маҳалла фаоллари, экологик жамоатчилик, таълим муассасалари ва тадбиркорларнинг ҳамжиҳатлиги муҳим ўрин тутади.

Мухтасар айтганда, «Яшил макон» – бу шунчаки кўчат экиш кампанияси эмас, балки табиатга муносабатни ўзгартириш, обод ҳудудлар барпо этиш ва келажак авлодлар учун соғлом муҳит яратишга қаратилган эзгу ташаббусдир. Унинг маҳалладан бошланиши эса ҳар бир инсонни бу ишга дахлдор этади. Зеро, яшил ва обод маҳалла – соғлом ҳаёт, юксак экологик маданият ва фаровон келажак гаровидир.

**Муяссар САФАРОВА,**
**Ўзбекистон Экологик партияси**
**Пискент тумани Кенгаши раиси**

**▼ Туйғу**

## ИЛИНЖ

Юртим, менга зар керакмас зарларингдан,
Киприкларим ўпсалар бас гардларингдан.
Мен бир насим бўлиб келдим, мен бир насим,
Айтиб ўтсам дейман кўҳна дардларингдан.

Алмашдилар сени ному рутбаларга,
Мунглуғ бўлиб қолдинг ботиб шубҳаларга.
Ҳилолларинг қайтар яна қуббаларга,
Мозийларга сўйлаб-сўйлаб зорларингдан.

Менга қадим минорлардан бир сас етар,
Шул сас менинг кўнглим охир серфайз этар.
Менга дунё керак эмас, бир хас етар
Яссавийлар ётган азиз ерларингдан.

Оқсаройга қай кунки юз бургандим мен,
Сўнмиш шону шавкатинг деб куйгандим мен.
Шеър айтишни сал-палгина ўргандим мен
Чинорларда йиғлаб ётган баргларингдан.

Бу дунёда кўнгилларга чироғ ёқсам,
Мозорларинг сукутидан сабоқ олсам,
Тиниққина булоқ бўлиб оқиб қолсам
Оллоёрлар назар қилган жарларингдан.

**Сирожиддин САЙИИД**



**▼ Куз таровати**




**▼ Тилимизни биламизми?**

# Дунё "кезган" сўзлар

**Дунё бўйлаб саёҳат қилиб, турли халқлар ўзлаштирган ва вақт ўтиши билан яна ўз тилимизга қайтиб келган сўзлар луғатимизда талайгина. Аслида, бу сўзлар бегона эмас, ўзимизга тегишли бўлса-да, баъзан уларни четдан кирган сўзлардек қабул қиламиз. Натижада, ўзаро суҳбатлашиш жараёнида уларнинг ўрнига бошқа тиллардан ўзлашган сўзларни ишлатамиз. Аслида эса тилимизда уларнинг муқобили ҳам мавжуд. Қуйида уларнинг айримларига тўхталамиз:**


### «Йогурт» ёки «қатиқ»

Бугунги кунда «йогурт» сўзи кўпчиликка яхши таниш. Дўконларда унинг мевали, ширин ва қаймоқли турларини учратиш мумкин. Бироқ, бу атаманинг илдизлари қадимги туркий тилларга бориб тақалишини ҳамма ҳам билмаса керак.

Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида бу сўз «йўғрут» шаклида келтирилган ва қатиқ маъносида ишлатилган. Асарда «қатиқ» сўзи ҳам шу маънода қўлланган сабабли, қадимда бу икки атама бир-бирига яқин маънони ифодалаган, дейиш мумкин.

«Йогурт» шакли эса ўзбек тилига рус тили орқали кириб келган. Рус тили бу сўзни Европа тилларидан, улар эса турк тилидан ўзлаштирган. Масалан, инглиз тилида «yogurt», француз тилида эса «yaourt» шаклида ишлатилади.

Йогуртнинг тарихи жуда қадимий бўлиб, айрим тахминларга кўра, унинг пайдо бўлиши минг йиллар олдинги даврларга бориб тақалади. Европада қатиқсимон маҳсулотларнинг тарқалиши ҳақида турли тарихий маълумотлар мавжуд. Жумладан, Франция қироли Людовик XI даврида йогуртнинг шифобахш хусусиятлари ҳақидаги ҳикоялар унинг машҳур бўлишига таъсир кўрсатгани айтилади.



XX асрда йогурт Европа мамлакатларида кенг оммалашди. Собиқ Иттифоқда ҳам уни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса-да, Ўзбекистон бозорида бу маҳсулот кейинги йилларда янада кенг тарқалди. Ҳозирда у турли қўшимчалар билан тайёрланадиган оммабоп сут маҳсулотларидан бири ҳисобланади.

Қизиғи шундаки, ўзбек тилидаги «йўғирмоқ» ва «йўғрилмоқ» сўзлари ҳам йогурт атамаси билан тарихий жиҳатдан боғлиқ. «Йўғирмоқ» аралаштириш, қориштириш маъноларини билдиради. Сутнинг ивиши ва таркибий жиҳатдан ўзгариши орқали қатиқсимон маҳсулот ҳосил бўлиши бу сўзнинг маъноси билан уйғунлашади.

Шунингдек, «йўғурт» шакли ҳам луғатларда учрайди. Демак, ўзбек тилида бу атамани ана шу кўринишда қўллаш ҳам мумкин.

### «Маҳсулот» ёки «товар»

Ўзбек тилида «маҳсулот» сўзи жуда кенг тарқалган. Биз уни бошқа сўз билан ифодалаш мумкин бўлган ўринларда ҳам ишлатамиз. Аммо унинг туркий муқобили бўлган «товар» сўзига нисбатан камроқ мурожаат қиламиз.

Кўпчилик «товар»ни рус ёки Европа тилларидан кириб келган сўз деб ҳисоблайди. Аслида эса бу атама қадимги туркий тилларга мансуб.



Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида «тавар» сўзи жонли ва жонсиз мол-мулк, мато маъноларида келтирилган. Асардаги «Ўл анинг бирла тавар яришди» жумласини «У шериги билан молни тенг бўлишди», деб тушуниш мумкин.

Кейинчалик бу сўз туркий тиллардан рус тилига ҳам ўтган. Ҳозирги кунда у болгар, словен, чех ва поляк тилларида ҳам қўлланади.

Дастлаб «товар» чорва молини англатган бўлса, вақт ўтиши билан унинг маъноси кенгайиб, савдога чиқариладиган буюмлар ва бошқа моддий бойликларни ҳам ифодалай бошлаган. Бу ҳолат қадимги туркий халқларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ. Чунки чорва кўчманчи халқлар учун бойликнинг асосий манбаларидан бири бўлган.

Тилда халқнинг ҳаёт тарзи ва дунёқараши акс этиши табиий. Масалан, «капитал» сўзи ҳам лотин тилидаги «caput» – «бош» сўзи билан боғлиқ. Қадимги даврларда бойликни чорва боши билан ҳисоблаш одати бўлгани бу каби атамаларнинг шаклланишига таъсир кўрсатган.

Шундай экан, «товар» сўзини фақат чет тилига мансуб дейиш тўғри эмас. У қадимий тарихга эга бўлган туркий сўзлардан бири. Уни ўз ўрнида ишлатиш тилимизнинг бойлигини кўрсатади.

*Интернет маълумотлари асосида тайёрланди*

TOŞKENT HAQIQATI
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Muassis: TOŞKENT VILOYATI HOKIMLIGI

"Toşkent haqiqati" va "Taşkentskaya pravda" gazetalari tahrir hay'ati:
Zoyir MIRZAYEV (*tahrir hay'ati raisi*),
Abdusamad NOSIROV, Ğafurjon MUHAMEDOV, Sayyora FAYZIYEVA, Abduvosit ABDURAZZOQOV, Mahmud TOIR, Azamat MIRZAYEV, Uskenboy ATEMOV, Abdulla XURSANOV, Otabek SULTONBEKOV, Ğayrat ŞERALIYEV, Kumuş EGAMBERDIYEVA, Olimjon BEGALIYEV, Sergey MUTIN

Boş muharrir: **Töxtamurod HASANBOYEV**

Navbatçi: **Zikrilla MUHAMMAD**

Toşkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boşqarmasida 2011-yil 12-yanvarda 03-001 raqami bilan röyxatga olingan.

**Qabulxona:** (55) 520-64-95. **Boş muharrir örinbosari:** (55) 520-04-10.
**Mas'ul kotib:** (55) 520-05-10. **Bölim muharrirlari:** (55) 520-06-20, (55) 520-04-20.
**E'lonlar va hisob-kitob bölimi:** (55) 520-21-20.
e-mail: toshkenthaqiqati@umail.uz

Gazeta «Toşkent haqiqati» tahririyati kompyuter markazida terildi va Tohir Mahmudxöjayev tomonidan sahifalandi. Haftaning çorşanba va şanba kunlari çiqadi.

Manzil: 111500, Nurafşon şahri, Toşkent yöli köçasi, 90. Toşkent şahridagi ofisimiz: Bektemir tumani, Ittifoq köçasi, 2. **ISSN 2010-9318.**

Bosişga topşiriş vaqti – 20:00. Bosişga topşirildi – 23:30. Naşr körsatkiçi – 205.
6 882 nusxada çop etildi. Hajmi – 3 taboq. Buyurtma G-1035.
Ofset usulida bosildi. Qoğoz biçimi A–2. Bahosi kelişilgan narxda.

**«SHARQ» naşriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida bosildi. Korxona manzili: Toşkent şahri, Buyuk Turon köçasi, 41-uy.**

1 2 3 4 5 6